УзССР Давлат китоб палатасе
Рес. нашрлар бўлими УзССР
220595

Ўзбекистон адабиёти ва санъати

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

1995 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА — ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ — • СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН — 19 май, №20 (3307)

ЎЗБЕКИСТОН ТАҚДИРИ, БУ — ҚОЗОҒИСТОННИНГ ТАҚДИРИ, ҚОЗОҚ ХАЛҚИНИНГ КЕЛАЖАГИ — ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ҲАМ КЕЛАЖАГИДИР.

Ислом КАРИМОВ

Эртага Қозоғистон пойтахти Алматида Ўзбекистон кунлари бошланади. Қон-қардошлигимизнинг янги саҳифалари очилади

ТИНЧЛИК - ЮТУҚЛАРИМИЗ ГАРОВИДИР

Утган йили қардош қозоқ биродарларимиз мамлакатимизга ташриф буюришиб, Қозоғистон кунларини муваффаққиятли утказиб кетишган эди. Мана энди бу қўҳна юртда Ўзбекистон кунлари ўтмоқда.

Маълумингизки, бу икки қардош халқ вакилларининг адабиёт ва санъат кунлари аввалари ҳам талай-талай марта бўлиб ўтган. Хўш, у пайтлардаги учрашувлар билан бу учрашувларимизнинг фарқи нимада? Ахир, биз адабиёт ва санъат вакиллари ўша пайтларда ҳам бир-бирларимиз билан борди-келди қилардик, меҳр-оқибатга йўғрилган гапларимизни бир-бирларимиздан аямасдик, қозоқ адибларининг асарларини ўзбек тилига, ўзбек ёзувчиларининг асарларини қозоқ тилига тез-тез таржима қилиб турардик. Бу жиҳатдан қараганда ёмон эмас эди. Лекин, барибир бу учрашувлар совет идеологияси деб аталувчи мафкура исканжасидан ташқари чиқолмас эди: гап-сўзларимиз ҳам, ёзилган ва ёзилажак асарларимиз ҳам шу ғоя билан йўғрилган эди. Шукурлар бўлсинки, биз мана шу исканжадан чиқдик.

Бир вақтлар отахон шоиримиз Ғафур Ғулом қозоқ биродарларимиз билан бузилмас қон-қардошлигимизни, дўстлигимизни ифодалаб: «Биз бир китобнинг икки бетидурмиз», деган эди. Ёки улкан қозоқ шоири Асқар оға Тўқмағамбетовнинг икки халқнинг дўстлиги ҳақидаги мана бу гапига қулоқ беринг:

Бир дарахтнинг сояси
То тушгача сеники,
Тушдан кейин меники...

Ҳа, бизга қозир дўстлигимиз, қон-қардошлигимиз шаънига айтилган мана шундай ширин, одамларимизни рағбатлантирадиган лутфлар керак бўлиб қолди. Энди бу нуқсонларни ёш адибларимиз, истеъдодли шоирларимиз ўрнига қўядилар, деб ишонгимиз келади. Ҳозир биз учун, халқимиз учун бунақа қанотли, дўстлигимизни мустаҳкамловчи гаплар сув билан ҳаводек зарур.

Бир мамлакат кишилари иккинчи мамлакатга бориб ўз мамлакати кунларини ўтказиши - бу зиёфат еб, ўйнаб-кулиб келиш дегани эмас. Илгарилари шунақароқ бўларди, ҳафта-ун кун ўйнаб-кулиб келинарди. Энди унақа қилиш йўқ. Боргандан кейин икки мамлакат вакиллари юмалоқ стол теварагига ўтириб фикрлашишлари, бир-бирларининг ютуқларидан хурсанд бўлишлари, камчиликларни қардошларга муҳокама қилиб бартараф этишлари, иккала мамлакатга тегишли умумий муаммоларни ўртага қўйиб ҳал қилишлари лозим бўлади.

Илгарилари биз учун марказ ўйлайди, деб кўп нарсаларни бой бериб қўйганимиз мана энди билинмоқда. Марказ эса соҳаларни чалкаштириб юборган экан.

Ғ. Ғулом Қозоғистонлик дўстлари даврасида. С. Маҳкамов сурат-лавҳаси

Буни қарангки, қуни-қўшничилигимиз ҳам, қардошлигимизу дўстлигимиз ҳам, ҳатто иқтисодий-сиёсий алоқаларимиз ҳам, олди-бердиларимиз ҳам марказ орқали бўлар экан. Мана шунинг натижасида бир-биримиздан узоқлашиб қолганимиз ҳеч кимга сир эмас.

Энди бу улкан минтақадаги оға-инилар бир жойга тупланиб, дўппини олиб қўйиб ўйлашадиган пайт келди. Агар шундай қилинса, мен биринчи масала қилиб орфография (имло) масаласини ўртага ташлаган бўлардим. Чунки, бу минтақадаги туркий халқлар бир-бирларини равон ўқимай туриб, равон тушунмай туриб ўз муддаоларига эришишлари мушкул. Ҳеч кимга сир эмаски, биз илгарилари араб ва лотин алифбосида ёзганимизда бир-бирларимизни яхши тушуна олар эдик, асарларимизни равон ўқий олар эдик. Лотинчада чоп этилган асарларни ўзбек билан қозоқ ҳам, қирғиз билан туркман ҳам, тожик билан қорақалпоқ ҳам бирдай ўқий олар эди. Энди ўша даражага етиш ҳаракатини қилиш керак.

Иккинчи масала қилиб минтақамизда янгидан яратилаётган ва яратилажак мафкураларимизнинг ҳамоҳанглиги, керак десангиз бирлиги ҳақида гапирган бўлардим. Бундай фикрлашим учун менга шу минтақада яшовчи халқларнинг қон-қардошлиги, урфларию динларининг бирлиги, эътиқодию тилларининг яқинлиги кафолат беради. Бизларнинг турмуш тарзларимиз, еримиз, сувимиз, нафас олиб турган ҳавомиз бир. Қувончларимизу ташвишларимиз, тирикчилигимизу дардларимиз бир. Мана шу омиллар мафкураларимизни яқинлаштириш ҳуқуқини беради, деб ўйлайман.

Шундан келиб чиқадиган, айниқса биз адабиёт ва санъат ходимлари учун зарур бўлган яна бир масала борки, буни четлаб ўтиб бўлмайди. Бу - қандай ёзиш керак, деган масаладир. Илгарилари «социалистик реализм» асосида ёзиш керак, дейиларди. Бу усул адабиётларимиз ва санъатимиз оёғига кишан бўлиб келган эди. Шукрлар бўлсинки, бу усулдан воз кечдик. Энди қандай усулда ёзиш керак? Бу ҳам катта муаммо Қозоқ ҳамкасабаларимиз билан шу хусусда ҳам гаплашиб бир фикрга келсак фойдадан ҳоли бўлмас эди.

Устоз Ғафур Ғулом айтганидай, биз бир-биримизга устозу, бир-биринимизга шогирд ҳаққлармиз. Биримизда бор нарсани иккинчимиз бажонидил ўрганамиз. Ўрганадиган ва ўргатадиган нарсаларимиз жуда кўп. Мана шу оқибатдан айирмасин бизни худойим! Ҳурматли президентларимиз, айниқса, биз адабиёт ва санъат ходимларига катта имтиёзлар яратиб беришаётганини кўпчилик билади. Худди биздагига ўхшаб, яқинда ўтказилган умумхалқ референдумида Қозоғистон Президентининг ваколатини икки мингинчи йилгача узайтирилгани айни муддао бўлди, деб ўйлайман. Чунки, Президентнинг ўзи бошлаган ишни ўзи охиригача олиб боргани яхши-да! Бу деган сўз, мамлакатда тинчлик, яратувчилик ишлари барқарор бўлади, деганидир. Ҳозир биз учун бундан ҳам қимматлироқ, бундан ҳам зарурроқ нарса йўқ.

Илоё элу юртимиз, қуни-қўшниларимиз тинч бўлсин. Қўшнинг тинч бўлса сен тинч, деган гап бекорга айтилган эмас. Тинчлик бўлса, борди-келдиларимиз ҳам, адабий алоқаларимиз ҳам, қўшничилигимиз ҳам барқарор давом этаверади.

Носир ФОЗИЛОВ,
Ўзбекистон Давлат мукофоти ҳамда Қозоғистон Президентининг «Тинчлик ва маънавий ҳамжиҳатлик учун» халқаро мукофотининг совриндори

22 МАЙ КУНИ ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ БЕНАЗИР БХУТТО РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛАДИ

ДЎСТЛИК ДАРАХТИ

Шарқнинг ҳар томонлама ривожланиб бораётган илгор мамлакатлари орасида Покистон Ислом Республикасининг ўз ўрни бор. Сўнгги йилларда мамлакатда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муаммоларни ҳал этишда дадил қадамлар қўйилмоқда. Айниқса, 1993 йил кузида Покистон халқ партияси раҳбари Беназир Бхутто бош вазир этиб тайинлангандан кейин янги ҳукумат мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш борасида муҳим тадбирларни белгилади ва уларни амалга оширишга киришди. Кўпроқ чет эл сармояларини, янги технология ва ишлаб чиқаришни мамлакатга олиб киришга катта имкониятлар, етарли шарт-шароитлар яратди. Ҳозир Покистонда қишлоқ хўжалиги ва саноат сезиларли даражада ривожланиб бораяпти. Биргина қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан валюта даромадларининг 70 фоизи олинаётганлигини айтиб ўтиш кифоя.

Покистон ташқи савдосида дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари етакчи ўринни эгаллайди. Экспорт маҳсулотларининг асосий қисмини пойабзал, кийим-кечак, гилам, спорт анжомлари ва нефт маҳсулотлари ташкил қилади. Бир сўз билан айтганда, Покистон ривожланишнинг илгор технологиясини кенг жорий этиб, тараққиёт йўлида учраётган барча қийинчиликларни мардонавор енгаётган мамлакатдир.

Ўтган йилнинг кузида мамлакат пойтахти Исломободда бўлиб ўтган ислом мамлакатлари ҳунармандларининг халқаро фестивалида ўзбекистонлик халқ усталари, санъаткорлар ҳам иштирок этдилар. Фестивал кунлари Исломободнинг баланд тепалигида жойлашган Шакар Парян боғига бордик. Бу боғ муборак қадамжо ҳисобланади. Покистонга ташриф буюрган кўпгина давлат раҳбарлари сафар давомида мазкур боғда бўлиб, чиройли дарахтлар экканлар. Ўзбекистон республикаси Президенти Ислом Каримов ҳам Покистонга қилган расмий сафари чоғида мазкур боғда сарв дарахтини ўтказган эди. 1992 йил 13 август куни катта ва яшил майдоннинг ўртасида экилган дарахт шу кунларда гуркираб усяпти. Дарахт пойидаги мармар лавҳага унинг қачон, ким томонидан экилгани инглиз тилида ёзилган. Айтишларича, бу дарахтда қор турмас, аксинча у кўпроқ қуёш тафтини ёқтирар экан. Қуёшнинг ҳароратли йўли Ўзбекистон билан Покистон осмонини бир-бирига боғлаб турганидек, сарв дарахти ҳам икки халқнинг азалий дўстлиги, чин биродарлиги рамзи сифатида қукка бўй чўзиб, бобо қуёшга қараб интилаётир. Бу гўзал дарахтни кўплаб хорижлик меҳмонлар меҳр билан зиёрат қилаётганларининг гувоҳи бўлдик. Президентимиз эзгу ниятлар билан эккан ушбу дарахт Ўзбекистон ва Покистон халқлари ўртасидаги тинчлик, дўстлик, ўзаро иқтисодий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш йўлидаги рамзий элчи сифатида магрур қад ростлайверсин.

Ашурали ЖУРАЕВ

2 Афросиёб ким бўлган?

Ўлим жумбоғи 4

18 май — Халқаро музейлар куни

САЛОМАТЛИК ТАРИХИ

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш музейи 1973 йил май ойида ташкил этилган. Музейда тўпланган материаллар тиббиёт ва соғлиқни сақлаш ишлари қадим замонлардан то ҳозирги кунга қадар қандай тараққий этгани тўғрисида ҳикоя қилади. Музейнинг ораста жиҳозланган бўлимларидаги буюмлар инсон организми фаолиятидаги энг муҳим жараёнларни аниқ тасаввур қилишга, ўз вужудини яхши англаб олишга, ярамас одатларнинг умр эгови эканлигига ишонч ҳосил қилишга, ўзининг ва бошқаларнинг соғлиғини сақлашнинг йўл-йўриқлари ва воситаларини тушуниб олишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикасининг электр нурлари билан ёритилган улкан харитасида Қорақалпоғистон Республикасида ва республиканинг 12 вилоят ҳудудидаги касалхоналар, поликлиникалар, ихтисослашган диспансерлар, санитария-эпидемиология станциялари ва тез ёрдам хизматлари, саломатлик марказлари акс эттирилган. Музейда Абу Али ибн Сино яшаган X — XI асрлардаги ўлкамизнинг тиббиёт тарихидан ҳикоя қилувчи манбалар жуда кўп. Буюк ҳакимга бағишланган мемориал залда энг қизиқарли маълумотлар жамланган. Муҳташам залда Афғонистон Республикаси медиклари томонидан музейга совға қилинган улуғ табибнинг кошинкор сиймоси ўрнатилган. Мазкур залдан Ибн Синонинг беш жилдлик «Тиб қонунлари»асари ҳамда унда тасвирланган жарроҳлик ва шифокорлик асбоблари ўрин олган.

Айниқса, Андижон медицина институти олимлари яратган улуғ табибнинг бюсти ниҳоятда қимматлидир. Абу Али ибн Синонинг ушбу сиймосини ҳайкалтарош Елена Соколова-Овошникова ҳамда шифокор-олим Шавкат Ҳамидуллаев яратган. Уларнинг ишига Юсуф Отабеков раҳбарлик қилган. Улуғ ҳакимнинг бу бадиий қиёфаси жумҳуриятимизда энг нуфузли тасвир, деб тан олинди. Гап шундаки, ушбу бюст табибнинг ҳоки 1951 йили Исфаҳондан Ҳамадондаги янги мақбарага кўчирилаётган вақтда бош мия чаноғидан олинган суратлар асосида яратилган.

Навбатдаги зал Ибн Синодан илгариги салафларга, устоз ва шогирдларига бағишланган. Бу ердаги экспонатлар Маъмун саройидаги атоқли олимлар ва табиблар ҳақида, Исмоил Журжонийнинг кўп жилдли табобат қомуси ҳисобланган машҳур «Хоразмшоҳ хазинаси» асари ҳақида ҳикоя қилади.

Тошкентнинг инқилобдан олдинги шароитини акс эттирган зал ғоят қизиқарлидир. Бу залда табибларнинг туморлари ва улар ишлаган асбобларни, бемордан ришта олаётган сартарошни, хусусий табибларнинг лавҳаларини кўриш мумкин. Шунингдек, залда жумҳуриятимизнинг баъзи вилоятларида инқилобгача учраб турган турли касалликлар тасвирланган. Тиббиёт ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлар орасида табибларнинг қўлбола асбоблари—туморлар, қотирилган илонлар, буғи шоҳи, кўз тегишидан асрайдиган турли-туман икир-чикирлар ҳам мавжуд.

Ўзбекистоннинг бугунги медицинасига ҳам алоҳида зал ажратилган. Ундаги экспонатлар медицина соҳасида эришилган улкан муваффақиятлар ҳақида қисқа, лекин ниҳоятда ёрқин, таъсирли ҳикоя қилади. Деворий лавҳалардан бирида шундай сўзлар ёзилган: «Республикада 1921 йили битта медицина фанлари доктори бор бўлса, 1995 йилда 460 киши шундай илмий даражага сазовор бўлишди».

Музейнинг кино залида томошабинлар республикамизнинг бугунги тиббиёт ютуқларига бағишланган илмий-оммавий филмларни кўришлари лозим. Кинозалда ҳар куни Ўзбекистондаги атоқли медик олимларнинг ҳаёти ва фаолиятига оид 30га яқин лента, шунингдек, ўрта Осиёнинг таниқли мутахассиси Леонид Исаев иштирокида суратга олинган ришта ҳақидаги ажойиб филмларни намойиш қилиш мумкин.



Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ўнлаб чет эл мамлакатлари билан ўрнатган самарали алоқаларига бағишланган зал экспозициялари томошабинларда катта қизиқиш уйғотади. Экспонатлар Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Тошкентда ўтказилган халқаро семинарлари, Ўзбекистон медиклари фаолиятлари ҳақида ҳикоя қилади.

Музейнинг мулоҳазалар дафтарида кўплаб чет эллик меҳмонлар, олимлар, давлат ва жамоат арбобларининг таассуротлари ёзилган. Масалан, Америка Қўшма Штатлари Президентининг соғлиқни сақлаш, маориф ва ижтимоий таъминот ишлари бўйича ёрдамчиси Рожер О. Эгеберг музейда бўлганида қуйидаги сўзларни ёзиб қолдирган: «Буларнинг ҳаммаси Оловуддиннинг сеҳрли чироғи кумагида руёбга чиқарилган ишларга ўхшайди».

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика музейлари фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори эълон қилинди.

Мазкур ҳужжат асосида музейимизда анчагина ишлар амалга оширилди. Масалан, «Соғлом турмуш тарзи» бўлими ташкил қилинди. Очиғини айтганда, музейимиз илгари фақат қўргазма ва ашёларни сақлаш асосида ишларди. Ҳозирда эса, музейда «Илмий гуруҳ» ташкил қилиниб, қатор русча-ўзбекча тиббий сўзлашгичлар, арабча-инглизча-русча-ўзбекча-лотинча тиббий луғатлар тайёрланмоқда. Шу билан бир қаторда, «Халқ табобати мажмуаси», тиббий тақвимлар чоп этишга тайёрлаб қўйилди.

Абдукарим УСМОНХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон соғлиқни сақлаш музейи директори, тиббиёт фанлари номзоди

Нақд гап

ДЕҲҚОНИ ТЎҚНИНГ ЮРТИ ОБОД

ёки шаҳар билан қишлоқнинг янгича ҳамкорлиги хусусида

Нурулло ҳожи Абдуллахон ўғли (Кўқондаги «Роҳат» хусусий савдо фирмаси раҳбари):

— Нон Оллоҳ томонидан биз учун берилган неъмат. Ана шу неъматни кўпайтириш, уни исроф этмаслик ҳақида қайғуриш ҳаммамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Республикамиз ғаллани четдан олтин баробар қиммат нархда сотиб олаётганини кўз олдимизга келтирсак Президентимизнинг Ўзбекистон ғалла мустақиллигини таъминлаш йўлида жон қуйдираётгани сабабини янада теранроқ ҳис этамиз. Ғалла мустақиллиги Ватанимиз мустақиллигининг муҳим шартларидан бири десак асло хато қилмаймиз.

Биз жамоамиз билан келишиб, ғаллакорлар билан ҳамкорлик қилишга, уларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қарор қилдик. Эҳтимол, биз бошлаган иш дарёдан томчидир. Ахир кичик-кичик ирмоқлар бирлашиб, қудратли дарёларни ҳосил этади-ку. Бунга иймонимиз комил бўлгани учун ҳам галлакорлар, умуман деҳқонлар билан қўл олишдик.

1994 йилнинг бошида Ўзбекистон туманидаги Муқимий номли жамоа хўжалиги билан шартнома туздик. Мақсад шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги ҳамкорлик анъаналарини мустақиллик шароитида тиклаш, тиклаганда ҳам унга янги мазмун бахш этишдир. Яъни қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва қайта сотишни, ишчи-деҳқоннинг бир-бири билан борди-келдисини, меҳру-оқибатини росмана йўлга қўймоқчимиз.

Бундай янгича муносабат ҳозирги даврнинг кун тартибига биринчи масалалардан қилиб қўйилаётган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда, нақд пулсиз муомала қилишни йўлга қўйишда, сўмимиз қадрини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Хўжалик бизга ўзида етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини берянти. Айни пайтда биз уларга гуруч, ёғ, қанд, шакар, чой каби зарур маҳсулотлар берянмиз. Хўжаликдан бир миллион сўмлик маҳсулот олдик. Унинг ярмига, юқорида айтганимдек, озиқ-овқат маҳсулотлари бердик. 500 минг сўмини хўжалик ғазнасига нақд туширдик.

***

Сиддиқжон Иброҳимов (Ўзбекистон туманидаги Муқимий номидаги жамоа хўжалиги бошқаруви раиси):

— Нурулло ҳожи ҳақ гапни айтди «Роҳат» жамоаси билан ҳамкорлик жонимизга аро кирянти. Етиштирган маҳсулотни, айниқса, сабзавот, полиз маҳсулотларини қаерга олиб бориб сотайлик деган ташвишлардан қутулдик. Қишин-ёзин маҳсулотимизни «Роҳат»га ектазиб берянмиз. Яқинда лимоннинг ўзидан 29 минг сўмлик топширдик. Россияга карам ва бошқа маҳсулотларни бемалол жўнатянмиз. Сабаби: улар айирбошлаш йўли билан биз истаган нарсаларни беришянти. Уларни ўз вақтида сотишда биз билан елкама-елка ишлаётган ишончли ҳомий «Роҳат»чиларнинг мадади катта бўляпти.

Қолаверса, дон ёки ёғ комбинатида пулсиз борми, банк пул ўтказиб берадими, деган ташвишлардан ҳам қутулдик. Нимаики зарур бўлса, «Роҳат»га борамиз. Истаган нарсамизни истаганимизча муҳайё этадилар. Яна арзон нархда. Айниқса, хўжаликлар учун иликузилди бўлган қиш палласида бундай ҳамкорлик асқотаркан. Қишки тадбирларни амалга ошириш учун ёнилгидан бироз қийналдик. «Роҳат» нефт базасига 40 минг сўм пул ўтказди. Эртасига ёнилги олдик. Нуруллохон ҳожи бошлиқ жамоадан хўжалигимиз аъзолари беҳад хурсанд.

Президентимиз айтганларидек, деҳқони тўқ юрт обод бўлади. Бу гапнинг замирида олам-олам маъно бор. Деҳқон қанча кўп маҳсулот ишлаб чиқарса юртимизда шунча маъмурчилик бўлади. «Роҳат» жамоаси ана шу хайрли ишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Қуёшли, об-ҳавоси қулай, ери тилло билан баровар, сув сатҳи етарли мамлакатимизда бир йилда бемалол икки марта ҳосил олиш мумкин. Биз оилаларга буғдойни ўргач, маккажўхори экишни тавсия этдик ва бу ишни қўйилмақом қилганларни, албатта, рағбатлантиришимизни билдирдик. Олган ҳамма ҳосил уларнинг ўзларига қолади. Улардан хўжалик ҳам, фирма ҳам бирор сўм олмайди. Бу — фақат ғаллани кўпайтириш йўлидаги саъйи-ҳаракатимиз холос.

Шу ўринда бизнинг нақд таклифимиз бор. Хўжаликлар ташландиқ ерларни деҳқонми, косибми, ким бўлмасин — экин экаман, ғалла етиштираман деган одамга бериши керак. Барибир ўша ернинг умри бекорга ўтянти. Айрим ерлардан ҳатто сепилган уруғ ҳам олинмаётганини Президентимиз бир неча бор таъкорлаганининг гувоҳимиз. Ана шундай ерлар шартнома билан ҳақиқий ишловчиларга берилса, ундан эл-юрт манфаатдор бўлганимиз учун бошқаларни ҳам ана шундай ҳамкорликка даъват этамиз.

БУЮК МУСАВВИРГА ЭҲТИРОМ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Маданият ишлари вазирлиги ва Рассомлар уюшмасининг таклифи асосида буюк мусаввир ва наққош Камолиддин Беҳзод таваллудининг 540 йиллигини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Маданият ишлари вазирлиги, Фанлар академияси, Рассомлар уюшмаси, республика «Маънавият ва маърифат» маркази, тегишли вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар ҳамда бир қатор жамоатчилик ташкилотларига Шарқ тасвирий санъати ривожига улкан ҳисса қўшган улуғ аллома Камолиддин Беҳзод туйини тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси юклатилди. Қарорда таъкидланишича, шу йилнинг ноябр ойида Тошкентдаги Киночилар уйида Беҳзод даври миниатюра санъатига бағишланган илмий конференция ўтказилади. Бундан ташқари Беҳзод ва унинг замондошлари асарлари кўргазмаси, миниатюра ва халқ амалий санъати асарлари танлови ўтказилади.

Давлат Матбуот қўмитасига Маданият ишлари вазирлиги билан биргаликда Камолиддин Беҳзод асарлари албомини ҳамда буюк мусаввир ижодига бағишланган рисолаларни нашр этиш топширилди.

«Маҳаллий саноат» давлат корпорацияси, «Ўзбекенгилсаноат» давлат уюшмаси ва республика «Мусаввир» фирмаси Камолиддин Беҳзод ижодига бағишланган совға буюмларини кенг қўламда ишлаб чиқарадилар. Беҳзод асарлари тасвири туширилган почта маркалари, хатжилдлар ва табрик қоғозлари ҳам нашр этилади. Давлат кинокомпанияси Беҳзод ҳаёти ва ижодини акс эттирувчи илмий-оммабоп филмни суратга олади.

Узбекистон халқ артисти Аббос Бакировнинг 85 йиллиги

ФАЙЗЛИ ОБРАЗЛАР СОҲИБИ

Аббос Бакиров санъат оламига кириб келган кезларда Андижон театрининг шуҳрати бутун республикамизга таралган, унда ишлаётган Ҳалима Носирова, Лутфихоним Саримсоқова, Асад Исматов, Ваҳоб Азимов, Тухтасин Жалилов, Қори Ёқубов сингари саҳна усталарининг ижоди барқ уриб яшнаган эди. Шундай бир шароитда таниқли санъаткорлар даврасидан ўрин олиш қанчалик мушкул эканини тасаввур этиш қийин эмас.

Узоқ ишониб-ишонмай театр остонасига қадам қўйган Аббос Бакировнинг туғма қобилияти театр раҳбарлари эътиборини дарҳол жалб этди. Аммо актёр истеъдодининг образлар талқинида намоён бўлиш жараёни бошда қийин кечди. Бу умуман, Аббос Бакиров ижодига хос хусусият эди. Чунки санъаткор ижодга катта масъулият билан ёндошар, қаҳрамонининг ички драмасини чуқур ҳис этиб, образ талқинида дабдабага берилмай ишларди. У яратган образ салобатли, файзли бўлар эди. Актёр талқин санъатининг узига хос сири ҳам шунда.

А. Бакиров асосан салбий образларни ижро этарди. Бироқ барибир бу қаҳрамонлар ақлий қудрати, ёқимтойлиги билан томошабинда узига нисбатан хайрихоҳлик уйготарди. Айни пайтда эзгуликнинг мухолифи сифатида актёр яратган образлар ҳар бир кишида кучли нафрат қузғаши табиий.

Аббос Бакиров ҳам актёр, ҳам режиссёр эди. Режиссура учун у кўп куч-қувват сарфлади. Узоқ йиллар театрда бадиий раҳбар ва режиссёр бўлиб ишлади, қиррқа яқин асарни саҳналаштирди. Аммо актёр сифатида томошабин меҳрини ҳам, мутахассислар эътиборини ҳам қозонган. Чунки Бакировнинг ҳар бир роли бир-биридан кескин фарқ қиларди. Режиссёр сифатида яратган спектакларида кўпинча ўзи ўйнар эди. Бундай ҳолларда Аббос Бакиров режиссураси билан у яратган образ бир-бирини ҳатто инкор этиш даражасида зиддиятли бўларди. Масалан, «Холисхон» постановкасида шу ҳолатни кузатиш мумкин. Спектакл режиссура жиҳатидан маиший мелодрамадан фарқ қилмайди, шунга қарамай, Аббос Бакиров Холисхоннинг отаси Умурзоқбойнинг чуқур ижтимоий фожиасини очади.

...1966 йил. Аббос Бакиров Комил Яшиннинг «Тор-мор» пиесасини бошқачароқ тарзда саҳналаштириш нияти борлигини айтиб қолди. Ушанда у режиссёр сифатида бу пиесага учинчи марта мурожаат этган эди (Бу асарни у 1938 ва 1951 йилларда ҳам саҳнага қўйган). Спектакл ёмон чиқмади. Жамоатчилик ҳамда матбуот томонидан режиссёр ва ижрочилар шаънига илиқ гаплар айтилди. Лекин Аббос Бакиров

Суратда: Аббос Бакиров «Ер фарзанди» филмида Қоплонбек ролида

талқинидаги эпизодик образ-қурбоши Аҳмад понсод роли ижрочилик тарихида узига хос воқеа бўлди. Муҳими шундаки, актёр Аҳмад понсоднг тақдиридан норози, қилаётган ишининг гуноҳи азим эканини юрагидан сезиб турган шахс тарзида гавдалантиради. Унинг фожиаси маглубиятида эмас, кирган йўлидан қайтиб чиқолмаслигида, умрининг бесамарлигидадир. Аҳмад понсод Аббос Бакиров яратган кўпчилик образлардан фарқли ўлароқ позиктаъб эмас, қўпол, саркаш, бетавфиқ одам. Қуриниши ичи тўла сир эканлигини билдириб турса ҳам, расволиги шундайгина юз-кўзидан намоён.

Бу образнинг Бакиров ижросидаги саҳна тарихи узоқ. У мазкур ролни илк марта 1934 йили ўйнаган эди. Шундан сўнг 1938, 1951 йилларда ва ниҳоят, 1968 йили унга яна мурожаат этди. Актёр ҳаётида биронта образ Аҳмад понсодчалик узоқ ва узлуксиз ижро этилган эмас.

Аббос Бакиров режиссёр сифатида узбек театрининг 30-йиллардаги саҳна маданияти анъаналарига кўпроқ амал қилар эди. Шунинг учун у яратган спектакларда маиший реализм анъаналари кучли.

Мусиқали драмалар орасида «Лайли ва Мажнун»га Аббос Бакировнинг меҳри бўлакча эди. Жаҳон адабиёти ва санъатидаги энг гамгин ишқ қиссаси — «Лайли ва Мажнун»нинг баралла жаранглашига Аббос Бакиров бутун имкониятини сафарбар этган, бош роллар талқинида мақсадига эришди. Айсар Иброҳимов ва Қамара Бурнашева узбек саҳнасида энг мукаммал «Лайли ва Мажнун» бўлиб қолдилар. Спектакл йигирма йил саҳнадан тушмади. «Ҳалима», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» анъаналарини давом эттириш Аббос Бакировнинг ижодий эҳтиёжи эди. 1962 йили саҳнага қўйилган «Нодира» спектаклида ҳам у ана шу йўлдан борди.

Муҳими шундаки, А. Бакиров ҳам театр, ҳам кино санъатининг моҳир устаси эди. Кинода 1939 йилдан бошлаб қатнашиб, «Азамат»» кинофилмида бош қаҳрамон ролини ижро этди. 1943 йили «Насриддин Бухорода» филмида Қози ролини ўйнади. 1955 йилдан эътиборан кинода мунтазам иштирок қилди. Масалан, «Узбекфилм» киностудиясида яратилган «Амирликнинг емирилиши»даги Амир Олимхон ва «Абу Али ибн Сино»даги Султон Маҳмуд Ғазнавий образлари, айниқса, диққатга сазовордир. «Утган кунлар» филмидаги Юсуфбек ҳожи артистнинг кинодаги энг муваффақиятли образларидан. Гап Абдулла Қодирий романининг руҳини аниқ ҳис этиш ҳақида борар экан, биринчи навбатда Юсуфбек ҳожининг Аббос Бакиров ижросидаги талқинини эсга олиш керак. Юсуфбек ҳожи авлодлар маданияти ва одобини, шарққа хос ахлоқий хислатларни узида жам этган. Актёр қаҳрамоннинг этиқоди ва инсоний фазилатларига катта ҳурмат билан қарайди, шу билан бирга, унга тарихан объектив ёндошишга ҳаракат қилади.

Аббос Бакировнинг кинодаги роллари орасида яна бир эътиборлиси — «Осиё устида бурон» филмидаги Қоплонбек образидир. Актёр бу ерда ҳам ўз ижод услубига содиқ қолади. Унинг Қоплонбеги келишган, дид билан кийинадиган, буржуалашиб бораётган туркистонликларнинг типик вакили. Лекин у энди парвозга ҳозирланаётганида қаноти синган калхатни эслатади. Шунинг учун нафратини яширолмайди.

Кўп қиррали ижодкор Аббос Бакиров 40 дан ортиқ асарларни саҳналаштирди, 150 дан ортиқ узига хос образлар яратиб, томошабинларнинг севимли артисти бўлиб қолди.

Шунингдек, кўпгина истеъдодли ёшларни тарбиялаб, ўз қаторига олди. Узбекистон халқ артистлари Машрабжон Юнусов, Раҳим Жалилов, Қамара Бурнашева, республикада хизмат кўрсатган артистлар Айсар Иброҳимов, Нуъмонжон Муродов, Хонкелдиев, Азиза Аминова ва артист Аъзам Холбоев каби кўплаб шогирдларини тилга олишимиз мумкин.

Халқимизнинг севимли санъаткори Аббос Бакиров ижоди ҳамон авлодлар маънавий камолоти ва юксак ғоялар сари интилишида қўмак бермоқда.

Мирбаҳодир БАДАЛОВ

ТАҚДИРИ ЭГИЗАК

Телевидение Тошкентда кашф этилгани барчага маълум.

Узбекистон телевидениеси 1956 йилда иш бошлаган. 1957 йилда ёш, ҳаракатчан, билимдон, позиктаъб, ниҳоятда мулойим ва хушмуомала йигит бу ерга режиссёр бўлиб ишга келади.

Унинг ўша пайтда, эҳтимол, ҳар кимнинг ҳам эсида қолавермаган, бугунги кунда эса, бутун Узбекистонга (нафақат Узбекистон, балки, бутун Марказий Осиёга десак тўғрироқ бўлар, чунки, Узбекистон телевидениесининг кўрсатувларини қўшни республикаларда ҳам кўпчилик кўради) таниглик исми — Маҳкам Муҳамедов.

Ана шундан бери у — орада театрларда ишлаган бир-икки йилини истисно қилганда, Узбекистон телевидениесининг деярли тенгдоши, бу энг муҳим ахборот ва санъат воситасининг барча ютуғига ҳам, орадаги муваффақиятсизликларга ҳам шерик, у билан елкадош, юкни баравар тортиб келади. Хуллас, тақдири — телевидение тақдири билан эгизак.

Мен Маҳкам акани телевидение режиссёри сифатида илгари ҳам танирдим, бироқ яқиндан танишиб, бирга ҳамкорлик қилишимиз тасодифдан бошланган.

1978 йил. Бирданига пиеса ёзиб қолиб, уни Маданият ишлари вазирлигига олиб бориб топширганимга икки йил бўлган. Икки йилдан бери ҳеч қандай тайинли жавоб йўқ. Ана шундай мавҳум вазиятда ҳайрон бўлиб юрган кезларимда дўстим Ҳайитмат Расул: «Пиеса ёзибсан, деб эшитдим, менга бирон нусхасини бермайсанми, ўқиб кўрсам», деб қолди. Унга асарнинг бир нусхасини бердим. Бирон ҳафталардан кейин жавобини айтишини маълум қилди. Мен бунга унчалик эътибор ҳам қилганим йўқ. Чунки, асосий иши пиесаларни ўқиб, уларга муносабат билдириши лозим бўлган вазирлик ходимлари икки йилдан бери... Лекин бир ҳафта ўтмасданоқ Ҳайитмат Расул қўнғироқ қилди: «Ўқидим, менга маъқул, режиссёрга берган эдим, у ҳам ўқиди, маъқул бўпти, қўймоқчи». Шу заҳоти режиссёр билан учрашадиган кунимизни тайин қилди.

Учрашган режиссёримиз Маҳкам Муҳамедов эди. «Пиеса менга маъқул, ҳозирги ишимни тугатганимдан кейин уни қўлга оламан», деди. Мен бутун бир асарнинг тақдири шу қадар осон ҳал бўлишини тасаввур ҳам қилмаган эдим...

Ушанда Маҳкам ака Нозим Ҳикмат асари бўйича «Ажал шамшири» деган телеспектакл тайёрлаётган эди. Спектакл тайёр бўлиб, эфирга кетганидан сўнг ҳақиқатан ҳам менинг пиесамни қўлга олди. Бироқ... телевидение эмас, Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят мусиқали драма театрида! Тақдир тақозоси билан олдинги асарни топшириш билан у хизмат жойини ўзгартирган, вилоят театрига бош режиссёр этиб тайинланган эди.

Спектакл тез орада тайёр бўлди, уни мутахассислар ҳам, томошабинлар ҳам яхши қабул қилишди, орадан бир ой ўтар-ўтмас радиога ёзиб олинди. Мана, ўн етти йилдирки, вақтиваҳти билан эфирда жаранглаб туради. Гапга ўзимни аралаштирганимнинг боиси бор. Драматургияга аралашувим ўша, «Уттиз ёшлилар» деган пиесамдан бошланган бўлса, театр оламига киришим Маҳкам Муҳамедов туфайли бошланган, яъни Маҳкам ака бу оламга қўлимдан етаклаб олиб кирган.

Бугина эмас. Олдин ишлаган режиссёрларнинг меҳнати ва хизматини мутлақо камситмаган ҳолда яна бир ҳолни қайд этиш жоиз: Сирдарё вилоят театри Маҳкам ака бошқарувига ўтганидан кейингина республикага танила бошлади — спектакллар радиога, телевидениега ёзиб олиниб, актёрлар Тошкентга — радио, телевидение ва кинога таклиф қилина бошлади. Жиддий ўйлаб кўриладиган бўлса, бу — ҳазилакам гап эмас.

Режиссёрларнинг тақдири ғалати. Уларнинг кўпчилиги бошқа шаҳарга қатнаб ёки омонат яшаб ишлайди. Бу тақдир Маҳкам акани ҳам четлаб ўтгани йўқ. Бу «чопа чоп»га ҳатто янгигина «жигули» дош бероолмади — уни янгилашга тўғри келди.

Сирдарё вилоят театрини кўтарганидан кейин у ўша давр одатига биноан бошқа «қийин участка»га «ташланади», яъни Йўлдош Охунбобоев номидаги республика Ёш томошабинлар театрига бош режиссёр бўлади.

Доимий ҳаракатда бўлишга, тиниб-тинчимаслик, изланишга урганган Маҳкам Муҳамедов бу театрда ҳам анчагина узгаришлар қилади, хусусан, Виктор Гюго («Гаврош»), Чингиз Айтматов («Оқ кема»), Раҳмат Файзий («Ўз уйингдасан»), Анвар Обиджон («Қунғироқли елғончи») сингари театрдан «узоқ» бўлган ёзувчиларни болалар ва ўсмирлар санъат даргоҳига «олиб киради». Бошқа бир хизматларини бир четга қўйиб, мана шу иши — келажагимиз бўлмиш ёшларни юксак санъат намуналари билан ошно қилишининг ўзинигина эътироф қилганимизда ҳам, айтиш лозимки, бу катта санъаткорликдан ташқари, катта фидойилик, катта фуқаролик амали ҳамдир.

«От айланиб қозиғини топади», деганларидек, Маҳкам ака яна «ўз уйи» — телевидениега қайтади. Ижодкор киши учун у бажарган вазифа, эгаллаган лавозим эмас, амалга ошган ижодий режаси муҳим. Маҳкам ака ҳам телевидениеда кўп вазифаларда ишлаган: оддий режиссёр, таҳририят бош режиссёри, телевидение бош режиссёри бўлган. Бироқ, биз уни телевизор экранида намойиш қилинган кўрсатувлар, спектакллар, видеофилмлар орқалигина биламиз. Ўша, бу даргоҳда иш бошлаган олис ёшлигидаги дастлабки спектакли — «Ўқитувчи»дан кейин у юзлаб янги кўрсатувлар, спектакллар, видеофилмлар намойиш этди. Уларнинг барчасини санашнинг мутлақо имконияти ҳам йўқ. Аммо, айримлари назаримда, «Таъзим», «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари» сингари барча орзиқиб кутадиган кўрсатувлар, «Ажал шамшири», «Қўшчинор чироқлари», «Мозийдан бир саҳифа», «Ирода»... сингари жуда кўп телеспектакл ва видеофилмлар ҳали ҳамон томошабинларнинг эсида бўлса керак.

Ўзбек адабиётини чуқур билган Маҳкам Муҳамедов ҳар бир асарни қўлга олар экан, унга ўзигагина хос идрок билан ёндошади. Бу айниқса, унинг кейинги пайтда Ёш томошабинлар театрида саҳналаштирган «Асорат» спектаклида яққол кўзга ташланади. Чулпоннинг «Кеча ва кундуз» романи асосида Анвар Ҳожиаҳмедов инсценировка ёзган. Уларнинг ҳамкорлиги яхши натижа берди — спектакл яхши чиқди. Бироқ, гап бу ўринда режиссёрнинг ҳар бир ҳодисага ўз назари билан қараши тўғрисида. Маълумки, романда Акбарали мингбоши салбий сиймо сифатида тасвирланган. Аммо, романни ўта синчковлик билан ўқиган режиссёр спектаклда бу қаҳрамонни кутилганидек қора бўёқда эмас, анчагина ёркин рангларда жонлантиради. Натижада Акбарали, мантиқий тарзда, босқинчиларнинг ҳар қандай топширигини бажараверадиган аҳмоқ эмас, вазиятни чуқур англаган, лекин бирон нарса қилишга ожиз инсон сифатида гавдаланади.

«Девони луғатут турк» ёзма обидасида Афросиёбнинг қизи Қазнинг эри Сиёвуш Бухорога яқин Мис шаҳрида (Дизруйинда) ўлдирилиши ҳақида маълумот берилган. Шу билан бирга, Афросиёб қизи Қаз Ила водийсидаги Ила денгизига (Балхаш кўлига) қуйиладиган ерда «Қаз суви» деган шаҳар қурдиргани ҳам айтилади.

Маҳмуд Қошғарийнинг таъкидлашича, Афросиёбдан тарқаган болалар Хан (Хон) деб юритилган, Афросиёбнинг узини ҳоқон деб атаганлар.

XIII — XIV асрларга оид форс ҳамда туркий тилларда ижод қилинган ёзма манбаларда турк ва мўғул халқларининг илк қаҳрамони ва давлат арбоби Ўғуз хон ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган.

Рашид-ад-диннинг «Жомиъ-ат-таворих» асари туркий ҳамда мўғул халқлари тарихига бағишланган. Бу тарихий асар XIII асрда ижод қилинган. Ўғузхон ҳақида дастлабки маълумот бу ёзма асарда берилган. «Жомиъ-ат-таворих» асари ёзилгунига қадар Ўғузхон фаолияти ҳақида махсус ёзма асарлар бўлганлиги эҳтимолдан узоқ эмас, шунингдек, халқ оғзаки эпоси мавжуд бўлиши ҳам мумкин.

Ўғузхон ҳақидаги ривоятлар, «Жомиъ-ат-таворих» ёзма обидасида XIV асрга оид «Ўғузнома» асарида, XV—XIX асрларнинг туркий қавмлар тарихига оид асарларида, жумладан, акс этган, Ўғузхон ҳақидаги ривоятлар баъзи ўзгаришлар билан давом этган. Бу ёзма манбаларда акс этган Ўғузхон шахсиятини Афросиёбга нисбат бериш муаммосини ҳал этиш учун ҳали яна кўп илмий ишлар олиб бориш талаб этилади.

«Қутадғу билиг» ёзма обидасида Туға Алп Эрни Афросиёб билан боғлаш, шунингдек, «Девону луғатит турк» ёзма обидасида Алп Эр Тўнгани Афросиёбга тенглаштириш ҳамда Афросиёб қизи Қаз хоним, унинг куёви Сиёвуш ҳақидаги маълумотлар, Афросиёбнинг пойтахти Урдукент эканлиги ҳақидаги маълумотларни, шу билан бирга «Шоҳнома»да Афросиёбни Тур хун-турклар қавмига нисбат бериш, Афросиёб фарзандларига туркий ном қўйишни, Афросиёбни ҳоқон деб юритишнинг узи Туға Алп Эр, Алп Эр Тўнга, Афросиёб биргина шахснинг турлича аталиши деб қараш керак.

Бу келтирилган манбалардан ташқари, Турғун Олмоснинг «Қисқача хунлар тарихи» номли асари 1986 йили Қашқар шаҳрида нашр қилинди. Турғун Олмос қадимги Хитой тилида ёзилган йилномаларни ўрганиб чиқиб, бу асарини яратди. Унда қадимги хун ҳоқонларидан Туманнинг ўғли Тангри Қут Ботир Ҳоқон ҳақида хабар беради. Тангри Қут Ботир милодий санадан аввалги III — II асрда ҳукмронлик қилган. Турғун Олмос Тангри Қут Ботирни Ўғузхонга нисбат берган.

Иакинф Бичурин ҳам узининг Марказий Осиёда яшаган халқлар тарихига бағишланган асарида III — II асрда ҳукмронлик қилган хунлар ҳукмдори Мате ёки Маде хон ҳақида хабар берган, Мате ёки Маде номи хитойча талаффуз этилган хунлар ҳукмдори номидир.

Мақолада келтирилган тарихий ёзма манбаларда Афросиёб, Алп Эр Тонга, Тўнга Алп Эр, Туға Али, Ўғузхон, Тангр Қут Ботир, Маде қаган номли шахснинг фаолияти Турон ўлкалари билан боғланган. Ҳоми тилга олинган ҳукмдорларнинг яшаш даврлари, ҳарбий фаолиятлари бири-бирига ўхшаб кетади. Ҳаммаси ҳам Турон замин ҳукмдорлари, Афросиёб номи ва унинг бошқа исмлари, авлодлари туркий ҳаёт билан узвий боғланган. Бу келтирилган номлар ичида Тангри Қут Ботир, Маде қаган тарихий шахс эканликлари Хитой ёзма манбаларида аниқ кўрсатилган.

Ўғузхоннинг ҳукмдорлик фаолияти, Ўрта Шарқда ва Яқин Шарқдаги ҳарбий юриши, чўргит деган халқ билан жанги, қора халқлар томонга юриши хунлар давридаги ҳоқонлар ҳаракатига ўхшаб кетади. Хунлар доимо Хитой давлати билан жангу-жадал олиб борганлар, Шимолий Ҳиндистонга етиб борганлар. Шарқий ҳамда Марказий Европада йирик давлатлар тузишган. Хунлар Эрон билан яқин қўшни бўлиб яшаган, шунга кўра Фирдавсий Туронда Афросиёб образини яратган. «Шоҳнома»да Афросиёб образи орқали Турон—Эрон ўртасидаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий муносабатларни очиб беришга ҳаракат қилган.

Шунга кўра, Турон ҳукмдори Алп Эр Тўнгани турли ном билан яшаган тарихий шахс деб қарашга тўғри келади. Келажакда тарихчиларимиз, қадимшуносларимиз бизнинг фикримизни янада тўлдирадиган далиллар келтиришларига иймонимиз комил.

Қозоқбой МАҲМУД ўғли,
филология фанлари доктори

Хуллас, айтаверсак, гап кўп. Бироқ, кунгилдаги барча гап тиниб-тинчимай, елиб-югуриб, излаб-топиб юрганича бугун табаррук олтмиш ёшини нишонлаётган Маҳкам Муҳамедовга ёзилаётган кичкина бир тўйхатга сиғмайди. Шунинг учун, мухтасар қилиб, ўзбек телевидение санъати, ўзбек театр санъати, умуман ўзбек маданияти тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган ва қўшиб келаётган, ҳозир ҳам меҳнатнинг, ҳам рафиқаси, фарзандлари, набиралари қуршовида оила бахти нашъасини сураётган, аммо «ҳаракатда – баракат» деган ҳикматга амал қилиб, ҳамон тинчиб ўтирмаган, ҳамон изланаётган, ҳамон ишлаётган, ҳамон телевидениеда ҳам, театрда ҳам яхши-яхши асарлар саҳналаштираётган Маҳкам акага сиҳат-саломатлик, яна янги-янги парвозлар тилаб, пировардида ҳамкорлигимиз, мулоқотларимиз натижасида туғилган мана бу шеърни келтириш блан кифояланаман:

Маҳкам ака,
Битта тупроқ деган сўз
Ватан тушунчасин
бермагай ҳаргиз.
Абдулла Орипов
айтгани каби
Халқгина Ватанни
ватан қилади.
Халқ дегани — сиз
билан менман,
Сизу мендайлардан
иборат Ватан.
Ватан муаззам бир
кошона магар,
Биттадан ғиштимиз
сизу мендайлар.
Мангу қурилажак ушбу
кошона,
Кундан кун мустаҳкам,
юксак, шоҳона...
Юксалайлик десак биз
бирга, бирга,
Тутмоғимиз шартдир
бир-бирга елка.
Биз елкани тутсак
Ватанимизга,
Ватанимиз елка
тутгайдир бизга.
Биз қанча бир-бирга
елкамиз тутсак,
Сиз-мен ҳам юксакмиз,
Ватан ҳам юксак.
Фақат елка босиб,
елка тутишдан
Қочадиганларни
атайлик душман —
Сизу менга, яъни
Ватанга душман.
Ёниб битсак ҳамки
уларга ўчдан,
Ўтайлик уларни қатағон
қилиб,
Сиз Маҳкам бўлибу
Мен — Машраб бўлиб!

Машраб БОБОЕВ

Турк шажараси

Инсоният ер юзида ҳаёт кечира бошлагандан бошлаб, турли тарихий жараёнлар юз берган. Бу тарихий жараёнлар ҳаёт тарзига кўра турлича содир бўлган. Ёзув маданияти пайдо бўлганга қадар ўтган тарихий, ижтимоий, иқтисодий жараёнлар изи тўлиқ сақланиб қолмаган. Айрим ўринларда эса ёзма обидалар пайдо бўлишига қадар ҳам маданий ҳаёт қолдиқлари учрайди.

Бизнинг Турон ўлкаларимизда қатор маданий ҳаёт ўчоқлари мавжуд. Анау (Анав) маданият ўчоғи бундан олти минг йил илгариги даврга оид деб қаралмоқда. Шунингдек, Турон ўлкаларининг кечмиш маданий ҳаёт намуналари фолклор, қадимшунослик ҳамда этнографик манбаларида ҳам учрайди.

Турон халқлари ҳаётининг инсоният тарихига маълум бўлган даври тўрт-беш минг йилни ўз ичига олади. Тарихий давларимиз ҳақида Хитой, Юнон, Эрон, Ассурия, Ҳинд, Византия, Араб мамлакатлари, Арманистон, Тибет ҳамда Туронда битилган ёзма манбаларда маълумотлар мавжуд. Бу тарихий маълумотлар Туронда яшаб ўтган давлат арбоблари, қаҳрамонлар, машҳур кишилар ҳақида хабар беради. Турон ўлкаларида яшаган машҳур кишилар номини ёзма манбалар қайси тилда битилган бўлса, шу тиллар қонунияти асосида талаффуз қилиш ҳоллари учрайди. Авесто ёзма обидасида узига хос номда, эроний тилларда яна бошқача талаффузда, туркий ёзма манбаларда эса машҳур кишилар туркий тил қонунлари асосида аталган.

Юсуф Хос Ҳожибнинг машҳур асари — «Қутадғу билиг» ёзма обидасида «Турон» давлатчилигининг асосчиси Туға Алп номи билан машҳур бўлган шахс дейилади. «Қутадғу билиг» ёзма обидасида тожиклар Туға Алп номини эзгуликлар тимсоли тарзида Афросиёб деб аташлари қўйидагича келтирилган:

Кўру бэрса эмди бу турк бэглари,
Бу турк бэгларинда тақъ йэглари.
Бу турк бэгларинда оти белгулуг
Тўға Алп Эр эрди қути бэлгулуг
Бэзуг билги бирла ўкуш эрдами,
Билиглиг уқушлуғ будун кўдруми.
Тэжиклар айур ани Афросиёб,
Бу Афросиёб тутти эллар талаб.
Эзи артуқ эрдам керак-ол билиг,
Ажун тутғуға ўтру сунса элиг.
Тэжиклар битигда битмиш муни,
Битигда йоқ эрса ким уқгай ани.

Мазмуни: «Бу турк бегларига энди боқиб кўрсанг, турк бегларининг яхшиларидан янада яхшиларини биласан. Турк беглари орасида номи машҳур, қут-саодати машҳур Туға Алп донги таралган шахс деб таъкидланган. Улуғ, доно ҳамда кўп ҳунарлар ва маҳорат эгаси, билимли, заковатли кишиларнинг сарасидир. Тожиклар уни Афросиёб деб атайдилар. Афросиёб кўп элларни қўлга киритди, ўта ортиқ тадбир ва билимлар орқали жаҳонни бошқариш учун қўл урса қодир. Тожиклар уни китобда ёзиб қолдирганлар, китобда бўлмаса уни ким билар эди...».

«Қутадғу билиг» ёзма обидасига қараганда, Афросиёб турк қавмлари орасида тарихий шахс, давлат арбоби, миллий қаҳрамон, доно мураббий тарзида қаралган. Шунингдек, Афросиёб шахсиятини Туға Алп номи билан аталиши ўз халқининг вакили деб қараш зарурлигини кўрсатади. Иккинчидан, Афросиёб Туға Алп номи билан узоқ даврлар оша халқ оғзаки адабиётида ҳам яшаб келганлигидан дарак беради. Учинчидан, Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида зикр этилишини таъкидлаш эса Туға Алп фаолияти туркий ҳамда эроний қавмлар яшаган Турон ўлкаларида машҳур бўлганлигини кўрсатади.

«Шоҳнома» ёзма обидасида Афросиёб афсонавий эрон шоҳлари пешдодийларнинг наслидан деб қаралган. «Шоҳнома» Туронда ижод этилишига қарамай, унда Эрон манфаатлари кўзланган ва Афросиёб афсонавий пешдодий Эрон шоҳларидан тўртинчи подшоҳ Жамшиднинг набираси, Фаридун ўғли Турнинг фарзанди дейилган.

Бундан ташқари, Афросиёб Самарқанд ёнидаги қадимий шаҳар номидир, суғд тилида қорасув бўйидаги шаҳар маъносини ифодалайди, «Шоҳнома» асарида эса шахс номига айланиб қолган, шаҳар номи шахс исмига кўчиб қолган, шаҳар номи билан шахс исмининг боғлиқ томонлари маълум эмас. Тур эса Афросиёб ёки Туға Алпнинг отаси эмас, балки милодий санадан аввалги минг йилликлар даврида яшаган кўчманчи чорвадор халқнинг номидир. Авестода ҳам Тур халқи дейилганда Турондаги кўчманчи, чорва билан шуғулланувчи қабилаларга нисбатан берилган. «Шоҳнома»да Туға Алп Тур — Афросиёб лақаби билан аталган.

Тур лақабини Афрросиёбга нисбат беришни, яъни уни Эрон шоҳларига нисбат беришни «Шоҳнома»нинг ўзи инкор этади. Милодий санадан аввалги минг йилликнинг иккинчи ярмида яратилган ғарбий шимолий Хитой йилномаси Бэйши ёзма обидасида қирқ тўрт хун-турк қабилалари номлари зикр этилган. Бу хун-турк қабилалари улуг Хитой деворидан тортиб Ўрта ер денгизининг шарқий қиргоқларига қадар, Олтой, Мўғулистон, Шарқий Туркистон, Сирдарё бўйларида, Дашти Қипчоқ ўлкаларида яшаганликлари эсланган. Бу қабилалар орасида Тур, тура (тўр) ёки тўла номли қабилалар иттифоқида етакчи даражасида эканлиги таъкидланган. Тур ёки Тура қабиласининг бир қисми Қанга давлати таркибига кириб, Сирдарё (шахи—ясси шуй) бўйларида яшашлари кўрсатилган (99-боб, 19-бет). Тур халқи ҳақидаги маълумотлар милодий санадан аввалги минг йилликнинг иккинчи ярмида Хитой элчилари, айғоқчилари томонидан келтирилган.

Турон ўлкаларида ижод қилинган деб қаралаётган Авесто ёзма обидасида Тур — Франграсян деган подшоҳ афсонавий, парга ўхшаш бахт қушини самода қувиб юриши эсланган. Лекин пар унга тутқич бермайди. Эрон шоҳларига эса пар ўзи ёндашиб бориши таъкидланган. Худди шунга ўхшаш ҳодиса «Шоҳнома»да ҳам Афросиёбга нисбатан сўзланган. Бу ўринда Фирдавсийнинг Эрон араблар қўлига ўтгандан сўнг ҳам яна Эрон шоҳлари ҳокимиятга келишини орзу қилганлиги англашилади. Тарих бунинг аксини кўрсатди, яъни Эрон бир минг уч юз йил давомида араблар, туркий халқлар ихтиёрида қолиб кетди. Жумладан, Эронда араб халифалигидан сўнг туркий газнавийлар, салжуқийлар, хоразмшоҳлар, турк-мўғуллар, (элхонлар, яъни ҳулагухонлар), темурийлар, сафавийлар, афшарлар, қожаруйлар сулолалари ҳукмронлик қилдилар.

Шунингдек, «Шоҳнома» ва туркий тилга қилинган унинг насрий таржимасида Афросиёбнинг ўғли Қорахон деб аталган. Худди шу каби, «Шоҳнома»даги тарихий ҳодисалар Кушон империясининг меросхўрлари эфталитлар билан боғланган ва эфталитлар туркий халқ деб қаралган.

«Шоҳнома»нинг туркий таржимасида Эрон билан Туроннинг дипломатик муносабатларига оид фикрлар учрайди. Турк ҳоқонларига юборилган элчилар, айғоқчилар ҳақида маълумотлар берилган. Кўп ўринларда турк ҳоқонлари чин ҳоқони тарзида тилга олинган. Умуман айтганда, Афросиёбдан тарқаган авлодлар туркий халқларга хос номлар билан аталган ҳамда туркий халқлар тарихи билан боғланган. Абулқосим Фирдавсий ўз асарини ижод этар экан, қадимий афсонавий Эрон шоҳларини ҳамда Эрон халқини араб маликаларига ҳамда ислом дунёсининг таянчи Бағдод халифаларига, араб халқига нисбатан юқори даражага қўйган. Шу билан бирга, турк ҳоқонларига ҳамда туркий халқларга нисбатан ҳам юксак маданий ва тарихий мақомга эга деб кўрсатишга ўринган ва улуғ давлатчилик ғоясини олдинга сурган. Шунинг учун ҳам Фирдавсий Маҳмуд Ғазнавий танбеҳига учраган.

Маҳмуд Қошғарий «Шоҳнома» ёзилган бир даврнинг ўзида Турон ўлкаларининг кўп қисмида отда юриб туркий қабила тиллари материалларини тўплаш жараёнида минг йиллар оша Алп Эр Тўнга ёки Афросиёб ҳаётига, фаолиятига бағишланган халқ оғзида сақланиб қолган маълумотларни ҳамда қўшиқларни йиғиб олган. Узининг оламшумул асари «Девону луғатит турк» ёзма обидасида Алп Эр Тўнга (I жилд, 77-б.) ёки Тонга Алп Эр (III жилд, 163-б.) ҳақидаги маълумотларни кўп ўринда келтирган. Маҳмуд Қошғарий томонидан келтирилган маълумотлар Алп Эр Тўнга афсонавий шахс эмас, балки тарихий шахс эканлигини тўлиқ исботлайди.

«Девону луғатит турк» ёзма обидасида Алп Эр Тўнганинг қаҳрамонликлари, адолатли сиёсати, ўз халқининг севимли ҳукмдори эканлиги ҳақидаги хотиралар ва унинг ўлими муносабати билан марсия тарзида сақланиб қолган тўртликлар келтирилади.

Алп Эр Тонга ўлдиму,
Эсиз ажал қалдиму,
Ўзлик ўчин олдиму
Эмдир йурак йиртилур (I жилд, 77-б.).

Бу тўртликда Алп Эр Тўнга ўлдими, эссиз дунё ундан ажралиб қолдими, замон ўз учини олдими, деб халқнинг йиғи марсияси ифодаланган. Алп Эр Тўнга вафот этиши муносабати билан яратилган қуйидаги шеърда (қўшиқ—тўртликда) мамлакатда, эл орасида бузғунчиликлар, ярамас кишилар пайдо бўлганлиги ҳақида сўзланган.

Ўзлак ариғ кевради.
Йунчиғ йавуз тевради,
Эрдам йэма сэвради,
Ажун бэги чэртилур (III жилд, 48-б.).

Яъни замон ўз йўлидан озди, ёмонлар кучайди, Бэг (Алп Эр Тонга) ўлгани учун фазилатсиз одамлар кўпайди.

Маҳмуд Қошғарий Қошғар шаҳрининг номини пойтахт маъносини ифодаловчи Урдукенд номи билан атайди. Ҳавоси яхши бўлгани учун Афросиёб шу шаҳарда яшар эди, Урдукент - Қошғар шаҳри Қуйи Чин мамлакатида, Урдукенд шаҳрида турк қавмларидан барчуқ номли тоифа истиқомат қиладилар, деб таъкидлаган. Шунингдек, Маҳмуд Қошғарий «Девону луғатит турк» асарида Афросиёбдан тарқаган хотин-қизларни тарим атамаси билан юритганлар, у малика, хонзода маъносини англатган, деб маълумот беради.

Афросиёб қизининг номи Қаз деб юритилган, Қазвин шаҳрини Афросиёбнинг қизи қурган, Қазвин туркий қавмлар шаҳри ҳисобланган. Шунингдек, Марваш-Шаҳижонни билан (Марв Шоҳи жаҳонни) Тўнга Алп Эр Эрон шоҳи Таҳмурасдан уч юз йил сўнг қурган деб кўрсатилган. Маҳмуд Қошғарий томонидан келтирилган бу маълумотларга қараганда, Қазвин ҳамда Марв Шоҳижаҳон туркий қавмлар томонидан қурилган.

«Девони луғатут турк» ёзма обидасида Афросиёбнинг қизи Қаз Ила водийсидаги Ила денгизига (Балхаш кўлига) қуйиладиган ерда «Қаз суви» деган шаҳар қурдиргани ҳам айтилади.

Маҳмуд Қошғарийнинг таъкидлашича, Афросиёбдан тарқаган болалар Хан (Хон) деб юритилган, Афросиёбнинг узини ҳоқон деб атаганлар.

XIII — XIV асрларга оид форс ҳамда туркий тилларда ижод қилинган ёзма манбаларда турк ва мўғул хал

Янги рубрика:

XX АСР ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

«Адабиёт бир элнинг юксалишин кўрсататурган бир қуролдир. Дунёда яшаган бир элнинг юксалганин ва юксалмаганин шул адабиёти билан улчаб билса бўлур. Адабиёти юксалган бир элнинг билим-ҳунари-да юксалгусидир». Асримизнинг биринчи чорагида, 1922 йили Тошкентдаги Туркистон давлат нашриётида босилиб чиққан «Ўзбек ёш шоирлари» мажмуасига ёзилган «Сўзбоши»да айтилган бу фикрлар бугунги кунда ҳам аҳамиятини сақлаб келмоқда. Чиндан ҳам, XX аср ўзбек адабиёти халқимизнинг XX асрда жаҳон халқлари орасида тутган ўзига хос ўрнини, унинг онг-савиясини, тафаккур даражасини кўрсатувчи бамисоли бир ойинадир. Бу ойинада ўзбек халқининг фазилатлари ҳам, заиф жиҳатлари ҳам, қисқаси, бадиий қиёфаси у қадар ёрқин акс этмаган бўлса-да, муайян даражада ифода топган. Бироқ, таассуфки, асримиздаги талотўплар, узоқ ўн йилликлар давомидаги эрксизлик, мутелик даврида адабиётимиз тарихи бузиб талқин қилинди, холис илмий тадқиқ этилмади. Бунга коммунистик режим йўл қўймади. Мана, худога шукур, истиқлолга ҳам эришдик, орқа-олдимизга қарайдиган, йиғиштирилиб оладиган — маданиятимиз тарихини холис илмий ёритиш имкони туғилган давр келди. Бинобарин, биз — адабиётшуносларнинг эндиги вазифамиз XX аср ўзбек адабиёти тарихини теран илмий тадқиқ қилишдан иборатдир. Шубҳасиз, бу улкан ва машаққатли юмуш барча истеъдодли олимларнинг фуқаролик бурчидир.

«XX аср ўзбек адабиёти» рубрикасини ана шу эзгу ишга баҳоли қудрат амалий ҳисса қўшиш мақсадида очдик. Редакция муаллифлардан асримиз миллий адабиёти ҳодисаларини илмий чуқур таҳлил-тадқиқ этган етук мақолалар кутади.

ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК БЎЛИМИ

Яшар ҚОСИМ,
филология фанлари номзоди

ОНА ХАЛҚИМ, ЎЗИНГСАН БУЮК

Абдулла Орипов лирикасида миллий истиқлол ғоялари

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва маданий-иқтисодий ҳаётини бу кун Истиқлолсиз тасаввур қилиш амри маҳол. Ана шу кўпқиррали ва кенг миқёсли жараёнлар мустақиллиқнинг умуммиллий қимматга эга ҳамда халқимиз тарихида туб бурилиш ясаган улкан воқеа сифатида тадрижий усиш ва руёбга чиқиш босқичларини ҳушёр назар билан таҳлил этишни тақозо қилади.

Абдулла Орипов бадиий тафаккуримизга олиб кирган янгиликлардан бири, унинг Ватан ва халққа муҳаббатни янгича ғоявий-эстетик мазмун билан бойитиш эди. Лирик қаҳрамоннинг маънавий оламида ва ватанпарварлик туйғуларида жиддий бурилиш «Мен нечун севаман Узбекистонни» (1964) шеъридан бошланади. Бу шеърнинг эстетик таъсир қуламининг шу даражада улканки, умуман, 60-йиллар ёш шоирларини Абдулла Ориповнинг изтиробли изланишлардан, тинимсиз ҳақиқат ахтаришларидан чарчамаган лирик қаҳрамонининг «Мен нечун севаман Узбекистонни?» саволидан ўйларга толган, уйғонган авлод, деб аташ мумкин. Ҳа, бу бениҳоя оташин ва самимий шеър турли кураш-қатағонларда ҳолдан тойган, ўзининг севимли ва фидойи фарзандларидан Сталин истибдоди туфайли ажралган жабрдийда Ватанга шунчаки севги изҳори эмасди. Бу шеър севгидан ҳам улуғвор, муҳаббатдан ҳам муқаддасроқ туйғулардан, илоҳий жозибадор кечинмалардан туғилгандай эди...

Дарҳақиқат, биз нечун севамиз Узбекистонни? Фақат гуллаб-яшнаган водийлари, жаннатмисол боғ-роғлари, ер ости-ер усти олтинлари, бойликлари учунгина севамизми Ватанни? «Бир улкаки, тупроғида олтин гуллайди» сингари таъриф-тавсифлар энди янги лирик қаҳрамон туйғуларини, унинг Ватан ҳақидаги бутунлай бошқача тасаввурларини етарли даражада ифодалай олмайди. Абдулла Орипов шундай манфаатдор-материалистик севгини қалбан инкор қилади, уни нотўғал деб билади. Шеър давомида бот-бот такрорланадиган «Мен нечун севаман Узбекистонни?» саволининг замирида замонасоз эътиқодларга, нопок давр устирган қалбаки муҳаббатларга, сохта севгиларга ёш шоирнинг жўшқин қалб исёнлари яшириниб ётган:

Зеро, янгича шеър — ҳар доим янгича севиш демакдир.

Зеро, шеърият тарихи ҳамда бир-бирига ўхшамаган, бетакрор муҳаббатлар тарихидир.

Абдулла Орипов сўз дунёсига ўртимизнинг чексиз фожиаларини, халқимизнинг адоқсиз дардларини куйлаб кириб келган. Азобкаш узбекнинг армонларидан туғилган бу беназир шеъриятнинг ҳар мисраси, ҳар бир сўзи Она-Ватанга, Она юртга беғоён муҳаббат алангасида исинган десак, муболаға бўлмас. Агар Абдулла Ориповнинг салкам қирқ йиллик ижодини бир сўз билан умумлаштириш зарурати туғилса, шубҳасиз, уни «Узбекистоннома» аташ тўғрироқ бўлади. Унинг барча шеърларида бу муаззам ва муҳташам образнинг, албатта, у ёки бу хислати айтилган, рангба-ранг қирралари ўз аксини топган, дейиш мумкин.

Халқнинг ўтмиши ёки истиқболи, бугунги қувонч ва ташвишлари билан чамбарчас боғланмаган биронта шеърни Абдулла Орипов лирикасида учратиш қийин. Илк қарашда Ватан, Халқ тушунчаларидан йироқдай туюлган мавзуларда битилган асарларда ҳам биз ўша узвий алоқани кўриб ҳайратланамиз. Ҳатто табиат ҳодисаларига, фаслларнинг поэтик тасвирига бағишланган шеърларда ҳам эл-юрт тақдиридан безовта қалбнинг ҳаяжонлари гувоҳи бўламиз. Мана, айтайлик, «Узбекистонда куз»(1965) шеъри. Дастлабки сатрларни ўқиғач, шоир Узбекистон кузининг анъанавий бадиий тасвирини гавдалантирмоқчи, деб ўйлайсиз... Бироқ истеъдоднинг қудрати шундаки, у ҳеч кимнинг тушига кирмаган янгидан-янги чўққилар томон интилаверади. У тахайюлнинг оддий-анъанавий бекатларида нафасини ростламайди. Замондошларининг наҳоятда бу асарда тетапоя шоир бутун башарият учун бирдай азиз ва муқаддас — Ватан, Ватанга муҳаббат туйғуси илдизлари озиқ оладиган асос-омилларни теран ифода этганди». Ҳақиқатан ҳам «Мен нечун севаман Узбекистонни?» шеъри лирикамизда ватанпарварлик туйғусининг моҳият ва мазмунидаги ўзгаришларнинг илк белгиси бўлиб, кўпчиликда янги ўзбек шеъриятининг дадил поэтик манифестидай чуқур таассурот қолдирганди.

Ватанлар, Ватанлар,
Майли гулласин,
Боғ унсин мангулик
музда ҳам, аммо
Юртим, сени фақат
бойликларинг-чун
Севган фарзанд бўлса,
кечирма асло!

Зеро, янгича шеър — ҳар доим янгича севиш демакдир.

Шеърни уқиган сайин кўнгилчан ҳиссиётлар қатлами, эзгу ва шикаста туйғулар тахлами кўз ўнгингизда очила боради ва сиз шу саркаш сатрлар қўз ҳақидаги оддий шеър эмаслигини дил-дилингиздан сеза бошлайсиз.

Ҳар ёнда тўкинлик,
Куздан нишона.
Ҳар ёнда гўзаллик ёймиш
дафтарин.
Сонсиз эгатларга
сочилмиш, ана,
Менинг шодликларим,
эзгу дардларим —

дея уқигач, аён бўладики, шеърдаги бош мақсад «Бир пари фаслининг оғушида маст» табиатнинг мўъжизаларини, сон-саноқсиз гўзалликларга бой дафтарини кўз-кўз қилиш, шоирона таърифлаш эмас. Балки ана шу пари фаслининг жодуларига асир тушиб, етти ёшдан етмиш ёшгача «Сонсиз эгатларга сочилмиш» элнинг ташвишларини куйлаш шоирнинг асосий ниятидир. Муаллифни уйлаттан минг бир гўзалликка, нозу неъматларга бой олтин куз эмас, аксинча, ана шу серташвиш куз далаларга сочиб юборган она халқдир, унинг оғир ва аянчли қисматидир.

Теран дард билан суғорилган миллийлик ва халқчиллик Абдулла Ориповнинг аксарият шеърларига сингиган ёрқин маънавий-ахлоқий хусусиятдир. Бу — шоир ижодининг ташқи-зоҳирий аломатларидагина эмас, балки қўпроқ моҳиятида сезилади. Нарса ва ҳодисалар мағзини муаллиф кўпинча ана шу нуқтаи назар ва мавқедан туриб ёритади. Уларнинг миллий-фалсафий маъносини, қирраларини очишга интилади. «Узбекистонда куз» шеърида шоир атайин «Сонсиз эгатларга сочилган», «Ризқи она ерга сепилган», «Ҳар битта эгатга эгилган халқим» сингари бадиий сифат ва ибораларга ургу беради. Худди мана шундай образли ифодалар орқали ўзбек кузининг ўзига хос миллий қиёфасини, ижтимоий мазмунини гавдалантиришга интилади. Шеърнинг охиррогида лирик қаҳрамон яна ўша поэтик таъкидга қайтади: «Дўстгинам, пайтимас, айлаб сайрибоғ, Хилватда ўй суриш ярашмас бугун. Заҳматкаш узбекнинг ҳосили қандоқ? Кузнинг фалсафаси шудир биз учун». Ушбу таъкид шеърнинг пафосини теранроқ тушунишга ёрдам беради. Шоир ўз ниятини аниқ ифодалаган: унинг дунё ва табиат ҳақидаги ўйлари, кечинмалари меҳнаткаш юртнинг тақдири ва ташвишлари билан узвий боғлиқдир.

Кузнинг фалсафаси шудир биз учун.

Бу, умуман, Абдулла Орипов ижодининг миллий моҳиятини, фалсафий қуламини ёриттувчи мисралардан десак, адашмаймиз. Зеро, шоирнинг табиат лирикасида, айтайлик, «Куз хаёллари», «Баҳор», «Саратон», «Куз манзаралари», «Денгизга», «Момо офтоб», «Юртим шамоли» каби сара шеърларида ҳам гўзалликларнинг соф бадиий тасвири кўпинча миллий руҳ ва кайфият, халқнинг тарихию тақдири билан тутташиб кетган бўлади. Айни шу нарса Абдулла Ориповнинг ўзига хос шоирона дастхатини белгилайдиган жиҳатларидандир. Чунки у қайси мавзуларда қалам тебратмасин, ҳаммасида бирдай халқнинг оғир турмушини, ўзбекнинг ёрқин ўзлигию мазлум қисматини, шунинг туб сабабларини кўрсатишга тинимсиз интилади.

Миллатга ва умуман, инсонга янгича муносабат Абдулла Орипов ижодида кўпроқ меҳнат кишисига — бобо деҳқон тақдирига қайтишда ўз аксини топган. Зотан, бутун она юртни плантацияларига, барча юртдошларни эса ёппасига пахта қулларига айлантирган тоталитар тўзум шароитида ҳақиқий ватанпарвар, эрксевар шоир бошқача ўйлаши мумкин ҳам эмас.

Биз улуғ шоирнинг бутун шеъриятига мунис бир халқ ғами, поёнсиз бир миллий кадар сингиганлигини ҳали таъкидлаган эдик. Ватаннинг ўтмишию бугунини, юртнинг тўю шодиёналарини, элнинг хурсандчилик чоғларини уйлаганда ҳам, донишманд кўнгилнинг камёб қувончли кечинмаларида ҳам ўша улкан умуммиллий гамнинг учкунларини учратаверамиз.

Бу ўринда 60-йиллар узбек лирикасининг ноёб намуналаридан бири «Саратон» шеърини эслаш жоиздир. Илк қарашда шеър Туркистон ёзининг авж палласи — саратон чоғининг анъанавий поэтик васфидий таассурот уйготади. Дарҳақиқат, шеърнинг бошланмасида шундай уйлашга асос бордай туюлади — ҳар бир сатрда узбек саратонининг тафти ва ҳароратли нафаси сезилади. Ҳақиқатан ҳам бениҳоя шоирона маҳорат билан, ҳассос рассом нигоҳи билан чизилган поэтик манзара бу. Нафақат назмда, эҳтимол, насримизда ҳам узбек саратонининг бунчалар аниқ ва ҳақконий, ҳайратомуз даражада ҳаётий тасвирланган образини учратиш амри маҳол. Бироқ синчиклаб эътибор қилинса, юқорида келтирилган мисралардаги ранг-баранг тасвир бўёқлари, бетакрор ўхшатишлар фақатгина саратоннинг бадиий суратини гавдалантиришга қаратилган эмас. Ушбу истиора ва ибораларда кучли таъкид ҳам борлигини унутмаслигимиз даркор. Бандлар ичида келаётган жонли ҳамда муболағадор образлар, образли ифодалар — зарра шамолга зор дим ҳаво, тутлар кавагида ухлаётган ғуррақлар, сўзсиз қотиб турган буйчан тераклар, офтоб қўридан лов-лов ёнаётган осмон, куннинг зуридан чиқариб юборилаётган чирилдоқ, ваҳимали саратон сукунати («Борлиқ сув тагига чўккандай гўё, Қанчалик термулма чиқмас нафаси») ва ниҳоят, шеърдаги энг гўзал ўхшатишлардан ва ёрқин мисралардан бири:

Гўдак уҳича ҳам шамол
топилмас —

булар бари айни чоғда деҳқон турмушининг даҳшатларини, бу фавқулодда меҳнатнинг машаққатларини кўрсатишга, таъкидлашга йўналтирилган эмасми?!

«Саратон» шеърининг юксак поэзия намунаси эканлиги шак-шубҳасиздир. Ундаги яна бир ноёб фазилат бу — шеърда инсонга, умуман меҳнат одамига янгича муносабатнинг буртиб ифодаланганлигидир. Оддий одамларга тоталитар тузумнинг, шафқатсиз давлат машинасининг «винтчаси ва парракчаси» сифатида қараладиган бир пайтда замоннинг ахлоқига тубидан зид бўлган бундай поэтик қарашнинг очиқ-равшан янграши фавқулодда воқеа эди, албатта.

Ер юзининг ашрафи — инсонни моҳиятан инкор қиладиган шундай ёвуз ижтимоий муносабатлар тизимига, ғайриинсоний салтанатнинг ғайриахлоқий фалсафасига қарши чиқиши Абдулла Ориповнинг чинакам ватандошлик жасорати эди. Бу — шеъриятимизнинг маънавиятида, умуман, адабий ахлоқимиз ва дунёқарашимизда ҳақиқий инқилоб эди. Диққатга сазовор томони шундаки, миллат қисматига бутунлай ўзгача ёндашув ёш шоирнинг илк лирикасида, дастлабки тажрибаларидаёқ кўзга ташлана бошлаганди. Қатор асарлари, хусусан, «Узбекистонда куз»дан кейин «Саратон» шеъри Абдулла Ориповнинг бу йўналишдаги изланишларида олдинга қўйилган дадил қадам эди.

Агар шоир «Узбекистонда куз»ни тасвирлаётиб, «Ҳар битта эгатга эгилган халққа» қарата «Бир нафас бошингни кўтаргину боқ. Ер юзида ажиб виқор ва нуфуз», дея уни бир зум машаққатли меҳнатни унутишга, дунё гўзалликларини кўриб қувонишга чорласа, «Саратон» чоғи момо офтобнинг ўзини ҳам лол қолдириб, тер тўкаётган деҳқон бобога қайғуриб:

Менинг деҳқон бобом,
андак ором ол,—

дейди. Азобкаш халқига фарзандлик меҳри билан лиммо-лим тўла қалбнинг хитоби эди бу. «Манглайи тер билан қотган», бераҳм оташга тоб беришга, улкан дошқозонда («Бутун олам ғўё улкан дошқозон, Қайдадир — кўринмас унинг нарёғи. Бу қайноқ қозонни кузатмоқ осон. Ичига тушмоқлик осонмас чоғи»)қайнашга абадул-абад маҳкум этилган ва унутилган одамга илк бор айтилаётган, кўнгил қаъридан отилиб чиққан титроқ бир мурожаат эди бу...

Кўрдим кўзларингда
чарчоқ бир кулгу,
Майли, ором олгин, эй
бобо юртим...

Бу ҳиссиётчан ва таъсирчан мисраларда илтижою таъкид янада кучайган. Шоир энди бутун элга — бобо юртига юзланади. Бир лаҳзалик бўлсаям уни дўзах меҳнатидан, узлуксиз ситамлар ва машаққатлардан халос этишни ўйлайди...

Илк шеърлари биланоқ Абдулла Орипов адабиётимизга чинакам инсоний кечинмаларни, тўғрироғи, ижтимоий инқилоб ва қатли омлар туфайли маҳв этилган одамий туйғуларни — инсонга ачиниш, куюниш, қайғуриш, чин ҳамдардлик, меҳр шафқат ҳисларини олиб кириб, дийдаси қаттиқ, қалби тош қотган сўз санъатини миллий заминга яқинлаштирди, уни бирмунча инсонийлаштирди, десак асло янглишмаймиз.

Саъдулла АҲМАД

ОРЗУ ЙЎЛИ УЗУНДИР...



Кўкда кўша юлдуздик,
Ерга туша ютқиздик:
Сиз — кўлдаги нилуфар,
Чўлда ёвшан... — биз ўсдик.

Сизни гул деб узарлар,
Шукрким, кўл чўзарлар!
Билмадик биз томонга
Тушарми ҳеч гузарлар?..

Қуртга чопса — пилла эдик,
Қўйлар топса — тилла* эдик.
Сизни узган қиз қўлига
Биз ҳам тушсак, билла** эдик!

...Орзу йўли узунди!..
Хаёл чархи бузилди.
Ўртамизда дард чекиб,
Чўллар жони узилди!..

Иков кўкда юлдуздик,
Ерга тушдик — ютқиздик!..

***

Тун — сочингиз кўз нуридай
толим-толим...
Ярим қиё боқишингиз олди ҳолим.
Ярим қиё бокманг, бизга қиё боқинг,
Қиё боққан кўзингиза бор саволим:

Қаро сарвлар ўртасида чашнамидур?
Ё у қуёш гардишидан чашмамидур?
Чашма бўйин бир аждаҳо ёқалабди,
Ул ҳам биздай қултум сувга ташнамидур?..

Шаффоф экан қора чашма сувлари, оҳ!
Қорайибди бир ичолмай ул аждаҳо.
Қошингизда қовжирасам... яна бир кун
Кўз ёшингиз томган ердан ўсгум мано!..

Кўз ёшингиз томган ердан ўсиб нетгум?
Қаро ердан қошингиза ўсиб етгум.
Ё, алҳазар! Боз паст назар солманг биза,
Биргина кўз қирингиздан тўзиб кетгум!..

***

Илкинг тутиб, беҳуш елса,
Ел ҳам фақат бизни билса,
Банданг бўлай, баданингдан
Жийда гулин иси келса!..

Оҳ, жийданинг барги кумуш,
Оқ баданинг — марги кумуш;
Дунёда бир давлатим — сен,
Мен айладим тарки кумуш...

Ишқ бозори касод эмиш,
Эл оғзида фасод эмиш...
Қовушолмай куйганидан
Ою қуёш озод эмиш!

Ёлғизликка ўт кетсин-а!..
Дардни ичга ютгин сен-а;
Кундай куйиб ўтавердим,
Ойдай тўлиб кутгин сен-а!

...Банданг бўлай, баданингдан
Жийда гулин иси келса!..

***

Бу на шамшод, тўши обод, қуша анор
солибдур?
Тепа сумбул, таги сурх гул, тути канор*
солибдур?
Бошда қуёш саргаштау ой қотиб лол
қолибдур,
Алҳол, ақлим етгани шу: Аллоҳ иши
ғолибдур!

* — қоракўл тери.
** — бирга.
* — гўша («Ғиёс ул-луғот»), ин.

МЕҲНАТ АҲЛИНИНГ АРДОҚЛИ ШОИРИ

Қўшиқчи шоир Акмал Пулат ҳақида сўз айтишдан олдин устозимиз — Узбекистон халқ шоири Миртемирнинг шу сўзларини эслагим келди: «У ёзган қўшиқ қуйланмаган кун йўқ, эрталаб ҳам, тушда ҳам, кечқурун ҳам, ярим тунда ҳам эфирда Акмал қўшиқлари жаранглаб туради. Шу қўшиқларни йиғинларда, тўйларда, маъракаларда ҳам эшитасиз. Чунки бу қўшиқлар замонга оҳангдош, қувноқ, халқ дилига яқин, ростгўй. Акмал Пулат — довруги кетган, халқига таниглиқ, даврада ўрни ва иззат-ҳурмати бор шоирлардан».

Акмал Пулат Узбекистон қомусига кирган қўшиқчи шоир.

«Қўшиқчи шоир». Бу атама асосан асримизнинг қирқинчи йилларидан кейин пайдо бўлган. Ўша йилларда мусиқанинг турли жанрлари — эстрада, вокал-чолғу ансамбллари, хор ижроси, халқ чолғу оркестри, симфоник оркестрлар журлигида қўшиқлар яратиш зарурати туғилади. Давр талабига биноан яратилган қўшиқлар меҳнатга сафарбарликда жанговарлик, етакчилик ролини ўтай бошлайди. Қўшиқ жанрининг мавзулари тобора кенгайиб боради. Давр талабига шоир Акмал Пулат лаббай деб жавоб бериб, юзлаб қўшиқларни халққа тақдим этади. Унинг қаҳрамонлари меҳнат аҳли бўлади.

Машҳур «Меҳнат аҳли» қўшиғининг яратилиш тарихини Узбекистон халқ ёзувчиси Туроб Тула бундай ёзади: «Улуғ Ватан урушининг даҳшатли кунларидан бири эди. Фарҳод ГЭСи қурилиши қаҳрамонлари ҳақида шеърий хат ёзмоқ учун бир гуруҳ ёзувчилар канал участкаларида илҳом қидириб юрардик. Бизни Акмал Пулат ўз «землянка»сига меҳмонга чақирди. Биз унинг ҳузурида худди жанг майдонларидаги сингари, ер тагида муздек «зона»да ўтириб омонаттина суҳбатлашдик. Акмал ака суҳбатини ўзининг янги қораламасига олиб келиб тўхтатди. «Қурилишимизга Ҳалимахон келган, — деди у, — анча-мунча санъаткорлар бор у киши билан бирга. Эртага катта концерт беришади. Мен шунга жавобгар қилиб тайинланганман. Шу баҳона Ҳалимахонимга бир қўшиқ ёздим, қулига тутмоқчиман...» Арабча ҳарфларда катта-катта қилиб ёзилган сатрларга кўз ташладим. Бирдан ҳаяжонланиб ўзи ўқиб кетди:

Меҳнат аҳли қилди обод
Фарҳод даштини гулбоғлар,
Гулистон бўлди саҳроларр,
учолмас энди ҳеч зоғлар.
Чидолмай душманим,
фарёд уриб кўксини
минг доғлар,
Суринг меҳнат сурурин
чарчамасдан, дўстлар, ўртоғлар!..»

Дарҳақиқат, Акмал Пулат ижодида Ватан, Узбекистон, меҳнат мавзулари алоҳида ҳурмат билан куйланади. Шоирнинг ўз услуби содда ва равон мисраларда намоён бўлади:

Ям-яшилсан, фусункорсан,
бўстон диёрим!
Изминдадир ҳам
тақдирим, ҳам ихтиёрим!
Сен жаҳоннинг юрагига
очгансан сўқмоқ,
Тақдирингни тинчлик билан
этдинг ёрқинроқ...

Акмал ака ашулачилигимизнинг қадимги усуллари — панду насиҳат йўлларида ҳам бир қанча қўшиқлар яратганлар. Улар тингловчиларни яхшилик ва эзгуликка ундаб туради. Шу нуқтаи назардан қараганда А. Пулатнинг насиҳат қўшиқлари ўз вазифасини аъло ўтайди. Мана, «Отам» қўшиғини ўқинг:

Арзигай жондан тавоф
этсам отам кўз-қошини,
Бор вужудим ўртанур
тўкса мурувват ёшини,
Доимо меҳнат билан кўкка
кўтаргум бошини,
Камтарин, пири-бадавлат,
шавкатим-шоним отам,
Сиз билан йўқ заррача
кўксимда армоним отам!

Акмал Пулат журналист сифатида «Ёш ленинчи» (1930-32), «Маданий инқилоб» (1936-37), «Коммуна» (1937-41), «Қизил Узбекистон» (1946-48), «Сирдарё ҳақиқати» (1963-65) газеталарида муҳаррир ва бошқа масъул вазифаларда ишлади. «Муштум» журналида (1955-61) бош муҳаррир бўлиб турди. У дастлабки ижодини фелетонлардан бошлаган бўлса, сўнгра ҳикоялар, қиссалар нашр қилдирди. Ва ниҳоят, 1955 йилдан унинг шеърий тўпламлари бирин-кетин чоп этила бошланди. Деярли ҳар йили кичик ҳажмда бўлса ҳам китобчалари чоп этиларди.

Акмал Пулат узоқ йиллик самарали ижодий меҳнатлари учун бир қанча орден ва медаллар, фахрий ёрлиқлар билан ҳам мукофотланган эди.

Шоир қўшиқлари вафотидан кейин ҳам куйланмоқда. Бу — катта бахтдир.

Ҳайдар МУҲАММАД

БАЙРОНДАН ИККИ ТАРЖИМА

Дон Жуан номини эшитган киши дафъатан: ие, бу Ғарбда кенг ёйилган ошиқи беқарор, жазман тимсоли-ку, дейиши табиий. Байроннинг Дон Жуани ҳам ўзининг қай бир ҳаракатлари билан бундай «фазилат»лардан мустасно эмас. Бироқ буюк шоир яратган образ замирида инсоний ахлоқ, жамиятни поклаш, вафодорлик, уз жуфти ҳалолига садоқатга даъват яшириниб етади. Шунинг учун ҳам Байрон достонини энг ахлоқли асар, деб таърифлаган ва узининг иддаосида у ҳақ эди.

Машҳур адабий танқидчилардан бири: Байрон шеърияти башарият тарихининг бир саҳифасидир, ҳаддингиз сигса бу саҳифани йиртиб ташланг — тарихнинг яхлитлигига путур етади ва бу шундай кемтик бўладики, ўрнини бирор нарса билан тўлдириш амри маҳол, деб ёзган эди.

Асли ва насли тоза, Нйустед мулкида аждодларидан қолган қадимий қўрғон эгаси, лорд, лордлар палатасининг аъзоси бўлган Жорж Ноэл Гордон Байрон (1788—1824) муттасил мазлумлар тарафида туриб курашди. Унинг собит эътиқоди шундай эдики, шоир инсоният душмани бўлган золимларни ер билан яксон қилмоқни истаганди. «Дон Жуан»нинг тўққизинчи қўшигида ёзади: сўз билан, керак бўлса иш билан ҳам, абадул абад фикр душманларига қарши уруш очаман.

Жаҳоншумул инглиз шоирининг номи ярим асрдан буён узбек ўқувчисига таниш. Унинг қаламига мансуб ўнлаб асарларни тилимизга ўгиришда Ойбек, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Абдулла Ориф, Жуманиёз Жабборов, Рауф Парфи, Муҳаммад Али, Абдулла Шер, Сулаймон Раҳмон, Шукрулло, Зоҳиджон Обидов ва бошқа адиблар меҳнат қилишган.

Байроннинг «Дон Жуан»и мисли-сиз гўзал достон бўлиб, аҳсарни шоир Италияда қувгинда юрган даврида, олти йил давомида ёзди.

80-йиллар охирида бу достон Сулаймон Раҳмон ва Абдулла Шер томонидан узбек тилига таржима қилинди. Инглиз тилида ёзилган асар аслиятдан (А. Шер) ва Татяна Гнедичнинг русча таржимасидан узбекчалаштирилди (С. Раҳмон). Афсуски, ҳар иккала таржима ҳам ҳозирга қадар қўгоз тақчиллиги, маблағ йўқлиги сабаб китобхонларимиз қўлига тўлиқ етиб бормади. Фақат «Шарқ юлдузи» журналининг 1988 йил 1-сонида мазкур достоннинг учинчи қўшиги, учдан бир қисми қисқарган ҳолда, эълон қилинди.

Асарнинг ҳар иккала узбекча таржимаси билан танишганда шунга иқрор бўлдикки, «Дон Жуан»ни асл инглизча нусхадан ўгиргани учун Абдулла Шердан миннатдор бўлишимиз керак. Буни ижодий жўръат деса арзигулик. Байрондай шоирни унинг она тилида ўқиб, сеҳрли каломи қатида яшириниб ётган маъноларни илғаш осон эмас. Сўз ўйинлари, қочириқ, кесатиқ, истеҳзо, камалакдай товланган услубий бўёқлар, гоҳ сукут сақлаётган, гоҳ рақс тушаётган, гоҳ исёнкор образлар, мажоз, тимсолларни идрок этиш, буларнинг барчасини узбек тилида қайта ишлаш нечоғли мураккаб иш экани аён. Шу билан баробар, ҳар иккала таржимани қиёслаганда уларнинг ўз ютуғи ва узига хос камчилиги борлиги кўринади.

Назаримизда, шеърий таржимада тилдан ҳам кўра кўпроқ тиниқ истеъдод, нозик таржимавий иқтидор ва дид керакка ўхшайди. Очиқроқ айтсак, инглизчадан қилинган таржима, кўпгина ҳолларда, аслиятдан кўра русча таржимага «адекват» бўлиб қолгандек кўринади.

Бу мулоҳазалар А. Шер таржимасига заррача соя ташламайди. Унинг таржимаси, ўз-ўзича олганда ҳам, бадиий асар сифатида ҳам мароқли, Байронга муносиб туҳфа.

Ҳуллас, «Дон Жуан» таржималарининг қай бири мукаммалроқ, аслига яқинроқ? Ҳар бири ўзича пухта ва ҳар бирининг ўзича заиф жойлари бор. Биз яна шунга иқрор бўлдикки, бир асарнинг бир нечта таржимасини қўшиб ўқиш ғоят мароқли иш. Бу фақат шеърий таржима эмас, умуман: қиёсий услубиёт, маънавиет, таҳririят, матн ва образ талқини, муаллиф ва таржимон услуби, кўп тилли луғат, тил ўрганиш соҳаларида ҳам бебаҳо манба ва фойдали машқдир. Шунингдек, таржимонлар ижодхонасига чуқурроқ кириб боришда ҳам услуб қўл келади...

Ун еттинчи бандда қароқчи Ламбро бир кемани тунагандан сўнг, олинган ўлжалар орасидан эркатой қизига совға-саломлар теради. Мана ўша лаш-лушлар: Байронда — «лейс» (тўр), «твизез» (мўйчинак), «туспикс» (тиш ковлагич), «тиипот» (чойнак), «трей» (патнис),»кастанейте» (қайроқтош). Т. Гнедичда — «поднос» (патнис), «пят гитар» (бешта гитара), «духи» (атр), «шелк» (ипак), «гребенки» (тароқлар), «шпильки» (тўғноғич), «банти» (пупаклар), «тарелки» (ликопчалар), «чайник», (чойнак), «туфель восемь пар» (саккиз жуфт пойабзал), «пару кастаньет» (бир жуфт қайроқтош); Абдулла Шерда — шоҳи, кашталар, бол қошиқ, рўмол, гитара, сафойил, нақшинкор қўмғон. Суlaймон Раҳмонда— беш гитара, беш баркаш, тароқ, тўғноғич, муаттар атр, бир жуфт қайроқтош, саккиз жуфт туфли, чойнак, ликопчалар.

Ажаб, таржимадан таржимага ўтган сайин «атторлик дукони» моллари узгариб, турланиб, қўшилиб, қисқариб бораяпти... Улар орасида муаллиф ва ҳатто қароқчининг ўзи ҳам ҳайрон қоладиган антиқа нарса — матоҳлар бор. Чунончи, Татяна хоним, аёл киши эмасми, қароқчининг ўз қизига қандай «лаш-лушлар» олиши кераклигини Байрондан ҳам яхшироқ билади, албатта. Нима ҳам дердик. Шу боис русча таржимада уларнинг ассортименти ва сони анча кўпайиб кетган. Узбекчада қароқчи хийла «сахий». Шуниси бофи, Абдулла Шер ўлжалар орасидан қиз болага бутунлай керак бўлмайдиган ашёларни ҳам ўзидан қўшиб юборади. Масалан: «Сафойия(а) — қаландарларнинг дастага ўрнатилган бир неча ҳалқали мусиқа асбоби» («Изоҳли луғат», II-жилд, 29-бет). Тантиқ қизалоққа бунинг нима кераги бор?

Бу сингари сўзлар, озиқ-овқат, ширинлик, кийим-кечак, безаклар, уй жиҳозлари, пардоз-андоз ва ҳоказоларнинг номлари миллий ва тарихий ҳақиқатга мос бўлиши зарур. Чунончи, муаллиф талқинида шунчаки майда-чуйдалар тилга олинса-да, таржимон уларга анчайин «лаш-луш» деб қарамаслиги даркор. Чунки майда «икир-чикир»ларга эътиборсизликдан катта мантиқий қусурлар ҳосил бўлиши мумкин. Бундан ташқари, шеърий таржимада энг зарур талаб вазн, қофия, мусиқа, оҳанг, образ, маъно муаммолари. Эквиритмикавий ва эквиметрикавий таржиманинг бирламчи шартлари шу. Бу эса ҳар қандай уста таржимонни ҳам қийин аҳволга солади. Худди шунинг учун ҳам шоир-мутаржим шеърий таржимада бош мақсадга эришиш ниятида боягидай тафсилотлардангина эмас, балки анча жиддий нарсалардан ҳам воз кечиб юборишга мажбур бўладилар. Моғлубиятсиз ғалаба йўқ. Таржимоннинг ҳоҳиши эмас, балки бадиий таржиманинг табиати ўзи шундай. Бироқ қаерда, нимадан ва нима учун воз кечишни билиш қанчалар қийин! Сўзлар бут бўлсаю, маънога путур етса, шира йўқолса, бундай тўкис, «аслига тўғри» таржима ҳеч кимга керак эмас. Бу онасидан ўлик туғилган боладай бир гап.

Жорж Байрон — Татяна Гнедич — Абдулла Шер— Сулаймон Раҳмон... Тамомила бошқа-бошқа давр фуқаролари, узгача миллий-адабий муҳит кишилари. Уларни яқинлаштирувчи биргина матлабу муштараклик — шоирлик.

Мана, денгизларни ларзага солган, тирик жон борки маҳв этиб, қўлига занжир солиб сотиб юборадиган девкор қароқчи қуруқликка қадам қўйганида йўлини йўқотиб, довдираб қолади. Бу не ҳол? Ўз уйи унга ёт. Ҳатто ити ҳам уни танимайди. Қизи бўлса бегона киши — Дон Жуаннинг пинжига тиқилиб ўтирибди. У, беҳаё! Итоаткор қўлларни ҳам таниб бўлмайди. Аллаҳнечук карахт. Янги ҳўжайинлар олдида тир тишлам луқма учун ҳар хил қилиқлар қилиб ўтиришибди. Шурлик Ламброни денгизда ҳалок бўлган деб ҳисоблаб, мишмишлар тарқатиб, уйида базми жамшид қуриб етишибди. Соҳиби хонадон ўз уйида бегона.

Даврага яқинлаб улардан
бирин
Елкасига қўйиб қўлин
дўстин,
У доим даҳшатли ғазаб
яширин
Заҳарли илжайиш билан,
сўзона,
Сўради бу байрам, бу
базм сирин;
Жим ортга қарама, ҳатто,
мастона,
Ҳеч нарса сезмасдан
тўлдирди шу он
Яна бир қадаҳни
шошилмай юнон.
(А. Шер таржимаси).

С. Раҳмон таржимасида эса қароқчи ўзини бундай тутади:

Чол зиёфат олдига келиб,
Учраган бир кифтни лутф
ила тўлғаб,
«Қайга келиб қолдим, —
деди эгилиб, —
Кимники бу базм, бу
хешу ақраб?»
Аммо қурғур юнон бити
тўкилиб,
Жўнгина бир сўзни
ололмай илғаб,
Илжайиб, бош иргаб,
хушнуд, серфараҳ
Тўлдира бошлади
***ян

ЭГАСИНИ ТОПМАГАН МАКТУБ

Толиб ака бу йулдан тухтамай утиб кетолмайди. Ҳар сафар автобусдан тушиб қуролдош дустининг йул четига урнатилган бюсти пойига гуллар қуяди. Кейин ҳассасига суянган қуйи узоқ сукут сақлайди, ҳазин-ҳазин хаёллар суради...

Мана, бугун ҳам у ёдгорлик қаршисида: қуролдош дусти ҳамон ёш, тик-магрур боқиб турибди. Ҳайкалтарошларга ҳам балли-ей! Дустининг симосини айнан ўзиникидай қилиб яратишган.

Толиб аканинг ёноқларидан юмалаган бир томчи кўз ёши ҳозиргина қўйилган гуллар устига тушди. Шу лаҳза гуё унга жон киргандек, гунчасини ёзиб юборди, олам мангу яшариб кетгандай бўлди. Толиб ака аста юриб келиб, кираверишдаги уриндиққа утирди. Румолчасини олиб юз-кузларини артди. Сунгра кукрак чунтагидан сарғайиб кетган, баъзи жойларида қон доглари қотиб қолган мактубни олди. Бу шаҳид кетган дустининг эллик йил муқаддам севгилисига битган мактуби эди...

Толиб ака уша тунни яхши эслайди. Полк аскарлари шиддатли жангдан ҳориб-чарчаб қайтдилар. Кўпчилик дарҳол уйқуга кетди. Толиб негадир ухлай олмади. Ёнбошидаги дусти Ҳайдар ҳам уйғоқ, хира чироқ нурида берилиб нималарнидир ёзяпти. Толиб аста бошини кутариб қараганди, «Азизам» деган ёзувга кузи тушди: «Демак, яхши курган кизи бор экан-да. Оббо писмиг-е...».

Урушнинг туртинчи йилидирики, улар ёнма-ён жанг қилишади. Аммо дусти бу ҳақда оғиз очмаганди. Толибнинг шухлиги тутиб, дабдурустдан:

— Гузалми? — деди.

Ҳайдар кутилмаган саволдан чучиб тушди. Шошиб қули билан хатни яширмоқчи бўлди-ю, аммо дусти куриб қолганини сезиб, унга ўгирилди:

— Ҳа... қишлоқда ягона.

— Қандай танишгансизлар? — яна саволга тутди Толиб.

— Жуда кизиқ бўлган, — Ҳайдар чордона қуриб утириб олди. — Узинг биласан, бизнинг Фарғона томонларда қизлар дуппи, тун тикиб сотиши расм бўлган. Йигитлар киз танлаш учун кўпинча дуппи бозорига боришади. Менда бундай ният йўқ эди. Аммо уша куни узим билмаган ҳолда дуппи бозорига тушдим. Дуппифуруш киз-жувонлар жуда ҳам кўп. Дуппилари бир-биридан чиройли. «Менинг дуппимни олинг», «Мана бу дуппи сизга жуда ярашади», «Сизга қалампир нусха мос», дея бир-бирига гал бермай дуппиларини бозорга солишарди. Шу пайт бир чеккада Қуқонгулли дуппи ушлаб турган кўҳликкина кизга кузим тушди. Сочларини майдалаб, бошига оқ ироқи дуппи кийиб олган, буз кўйлаги устидаги қора бахмал камзули нозик қоматини тўкис курсатиб турарди. Унинг ўтли нигоҳи мени лол қолдирди. Оҳиста унга яқинлашдиму, узим билмаган ҳолда:

— Дуппингиз сотиладими?, — дедим.

— Ҳа...

У майин табассум қилган эди, оқ юзидаги кулдиргичи ҳуснини янада очиб юборди.

Мен дуппини бошимга кийиб кўрдим. Тор келди. Қайтариб бердим. — Келаси ҳафта яна келасизми? — дедим қиздан кўз узмай.

У «Ҳа», деди-ю, кузларини олиб қочди..

Орамизда бошқа ҳеч гап-суз бўлмади. Аммо юрагимнинг бир парчаси бозорда қолгандай эди. Келаси бозорни орзиқиб кутдим.

Ниҳоят учрашдик. Бу safар дуппи худди қуйиб қўйгандек бошимга лойиқ келди. Баҳонада танишиб ҳам олдим. Исми Лобархон экан. Шундан кейин биз тез-тез учрашиб турдик. Учрашувларимиз пинҳона бўларди. Суҳбатларимиз ҳам қисқа, самимий эди. Иккковмиз ҳам ҳаяжонимизни яширолмасдик. Ҳатто бир-биримизга тик қарашга ҳам ийманардик...

Орадан кўп ўтмай урush бошланди. Бизнинг хайрлашувимиз қисқа бўлди. Мен бир оғиз «Кутасизми?» — дедим, у «Ҳа», деди холос. Шу лаҳзада қўлимга нимадир тутқазди-ю, орқасига қарамай чопқиллаб кетди. У берган нарса исмим қўшиб тикилган дуппи экан: бир четида булбул гулга талпиниб турибди...

Фронтга жунаётганимда дуппини онамга топширдим:

— Онажон, буни муътабар нондек асранг. Қайтиб келгач, албатта кияман.

Онам дуппини қўлига олар экан:

— Илойим ниятингга ет, болам, — деди.

Мана, дустим, танишишимиз тарихи шундай бўлган. Ҳозир тез-тез хат ёзишиб турамиз...

Ҳайдар ҳикоясини тугатгач, қўлига қалам олиб, мактубини ёзишни давом эттирди. Хатни ёзиб бўлгач, қайта-қайта ўқиб чиқди. Толиб дустининг ўта содда, самимий севгиси тафсилотлари таъсирида уйқуга кетди.

Афсус, Толиб тунда муҳим топшириқни бажариш учун жунаган Ҳайдарни эрталаб оғир яраланган ҳолда кўрди. Аста унинг ёнига чўккалади:

— Дустим, кўзингни оч, мен Толибман.

Ҳайдар кузини хиёл очиб, қули билан кукрагига ишора қилди. Толиб унинг гимнастёркаси чунтагидан Лобарнинг сурати билан тунда ёзилган мактубни олди. Ҳайдар сурат билан мактубга термулди. Нимадир демоқчи бўлди-ю, аммо гапиролмади, мангу кўз юмди. Толиб дустининг имо-ишорасига тушунганди.

У хатни почта орқали жўнатмоқчи эди, бироқ улгурмади, қаттиқ яраланиб госпиталда узоқ вақт даволанди. Бу орада урush ҳам тугади. Толиб юртига келиб, қариндош-уруғларини кўргач, кўп ўтмай дустининг қишлоғига келди. Ҳайдарнинг ота-онаси аза очиб, маърака ўтказди. Толиб кечга томон чекиш учун ташқарига чиққанида кимдир узига термулиб турганини сезиб қолди. Ялт этиб уша томонга қаради. У дусти таърифлаган гўзал Лобар эди. Толиб у томон юрди. Худди шу пайт ичкаридан оқ дока румолли бир кампир чиқдида, қўлидаги болани Лобарга тутқазди:

— Боланг ухлаб қолди. Уйга обориб бешикка бела. Кейин сигирни согиб ол. Мен бир оздан кейин бораман, — деди-да, орқасига қайтди.

Толибнинг устидан кимдир бир пақир муздек сув қуйиб юборгандек бўлди. У турган жойида қотиб қолди. Лобар унга маъноли қаради-да, кўзларида ёш билан боласини бағрига босиб йўлга тушди...

Толиб ака кейин ҳам бу қишлоққа кўп келди. Ҳар гал қўлида уша мактуб бўлади. Уни на эгасига топшира олади, на бирон - бир жойга яшириб қуя олади. Назарида, бу мактуб абадий севги тимсолига ўхшайди. Уни йўқотиб ҳам, йиртиб ҳам бўлмайди...

Озода ОМОНОВА

ЎҚУВЧИДАН ЧИҚҚАН ЎҚИТУВЧИ



Бу гапга ишониш-ишонмаслик ўз ихтиёрингизга ҳавола, аммо Бешариқда ўқувчидан ўқитувчи чиққани рост! У сиз тасвирда кўриб турганингиз мана бу йигитча — Нодирбек Ҳусанов булади.

Яширишнинг ҳожати йўқ, суратни илк бор қўлимга олганимда мен ҳам бунга ишонқираганим йўқ. «Қизалоқ синф тахтаси олдида ўзидан катта бир бола билан суҳбатлашиб турибди, йигитча унинг акаси ёки юқори синф ўқувчиси бўлса керак?» деб ўйлагандим. Кейин билсам, йигитча юқори синф ўқувчиси ҳам, қизнинг акаси ҳам эмас, балки унинг ўқитувчиси экан. Менга бу ҳақда сурат муаллифи — ҳамкасбимиз Турғунбек Маҳкамов гапириб берди. Унинг айтишича, Нодирбек ҳозирга қадар биронбир педагогика билим юртида ҳам, муаллимчилик институтида ҳам таҳсил кўрмаган, ўтган йили ўрта мактабни битирган, холос. Лекин, шунга қарамай, у бир неча ойдан буён мактабда ўқитувчи бўлиб ишламоқда, узидан, нари борса, 4-5 ёш кичик ўғил — қизларга устозлик қилмоқда. «Қандай қилиб?» — дейсизми, эшитинг:

Нодирбек ўз қишлоғида жойлашган Абу Али Ибн Сино номидаги 45-мактабнинг иқтидорли ўқувчиларидан саналарди. Яхши ўқир, айниқса, инглиз тили фанига беҳад қизиқарди. Ҳали 5-синфдаёқ — тенгқурлари инглизча ҳарфларни энди ҳижжалай бошлаганларида — у шу тилда битилган матнларни бемалол-эркин ўқирди. Сўз-жумлаларни мустақил равишда таржима қила олар эди. Юқори синфларда ўқиётган кезлари бу фанни янада чуқурроқ ўзлаштирди. Шунга кўра, ҳар йили ўқувчиларнинг вилоят ва жумҳурият олимпиадаларида фаол қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллади.

Ёшликнинг ўзига хос ажиб бир хислати бор. Бу даврда инсон қалбида уйғонган қизиқиш ва ҳавас кўпинча асл орзу-мақсадга айланади. Нодирбекда ҳам шундай бўлди. У инглиз тили ўқитувчиси бўлишга аҳд қилди. Мактабни тугатгач, шу мақсадда Тошкент чет тиллар институтига кириб ўқиш учун ҳужжат топширди. Бироқ орзу бошқа, ҳаёт бошқа экан. Нодирбекнинг омади чопмади, талабалар сафига қўшилиши учун атиги ярим балл етмай қолди...

Қарангки, пойтахтдан ҳафа бўлиб, бир оз тушкунликка тушиб қайтган Нодирбекни қишлоғида бошқа бир синов ва қувонч кутаётган экан. Аниқроғи, уша кезларда туман мактабларида инглиз тили ўқитувчилари етишмай қолганди. Бу ҳол кўпчилик қатори туман халқ таълими бўлимининг чет тили фанлари бўйича усулиятчиси Рисқихон Ҳасановани ҳам ташвишга солиб келаётган эди. У Нодирбекни яхши танирди. Шунданми, унинг институтга киролмай қайтганини эшитиб, кунглида бир ният туғилди. Нодирбекнинг устозлари Солияхон Олимова билан Одилжон Комиловга «Шу йигитчани муаллимликка жалб этсак-чи?» — дея маслаҳат солди. Бу таклиф ҳамкасбларига ҳам, туман халқ таълими бўлимининг усулият хонаси бошлиғи Б.Эралиевга ҳам жўяли кўринди. Кўп ўтмай олий тоифали уч педагогдан иборат махсус синов гуруҳи тузилди. Улар Нодирбекдан имтиҳон олиб, унда инглиз тили фани бўйича ўқувчиларга мактаб доирасида сабоқ бериш учун билими етарлилигини аниқлашди. Пировадида, у муаллимлик лаёқатига эга деган хулосага келишди. Нодирбек ўзини тижоратга урмади. Ёки инглиз тилини билувчи мутахассисга муҳтож бирон-бир фирмага кириб ишлашни кўзламади. Ўқитувчилари таклифига рози бўлди.

Шу тариқа кечаги ўқувчи ўқитувчига айланди. Бугунги кунда у Ҳамза номидаги 18-мактабда 5-, 6- ва 7-синф ўқувчиларига сабоқ бермоқда. Педагоглари орасида ҳам, ўқувчилар олдида ҳам ҳурмат-эътибори жойида.

Албатта, ўқитувчилик қилиш учун кишига фақатгина ўз фанини пухта билиши кифоя қилмайди. У айни чоғда дарс ўтиш усулини чуқур эгаллаши, болаларнинг руҳияти, дунёқараши билан ҳам ҳисоблашиши, бир сўз билан айтганда, уларнинг қалбига йўл топа билиши керак. Шу жиҳатдан қараганда, Нодирбек ҳали кўп нарсаларни ўқиб урганади. Муҳими, унинг билими, интилиши кучли. Шундай экан, иқтидорли одам дарс ўтиш, ўқувчилар билан қандай муомала — муносабатда бўлиш сир-асрорларини ўзлаштириб олиши табиий. Масалага ана шу нуқтаи назардан ёндашсак, бешариқлик халқ таълими мутасаддиларининг сайъ-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш зарур. Улар «Фалон мактабга фалон фан бўйича ўқитувчи етишмаяпти», деб юқоридан курсатма кутиб утирмаганлар. Эскича андозалару, расмиятчиликларни бузиб бўлса-да, эзгу ният йўлида янгиликка дадил қўл урганлар. Кечагина мактабни битирган бўлишига қарамай, Нодирбекка ишонч билдириб тўғри қилганлар. Бу билан ўнлаб ўқувчиларнинг инглиз тилидан сабоқ олишлари учун имконият яратганлар. Ҳар қалай, йўқдан кўра бор яхши!

Халқ таълими соҳасидаги бунга ўхшаш янгилик ва ташаббуслар ўз самарасини беради, деган умиддамиз.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ

БОЛАЛАРНИНГ КЎНГЛИНИ ЎКСИТМАЙЛИК

Ҳаммаси уйдаги икир-чикирлардан бошланди: «Отаси, ўглингизнинг туфлиси йиртилиб кетди. Кенжангизники ҳам бир ойга бормади. Қизингизга бошқа дурустрогидан олиб бермасак, бўлмайди. Отабегингиз бугун ўқишга бормади. Жисмоний тарбия ўқитувчиси: «красофканг бўлмаса, дарсга қўймайман...» дебди.

Бундай машмашалар ҳозир баъзи оилаларда бўлиб турибди. Фарзандларига яхши оёқ кийим излаб ҳуноби ошган ота-оналар бор.

Ҳуш, нега шундай бўлаяпти?

Тошкент, Қўқон, Самарқанд шаҳарларида кўн-тери, Фарғонада сунъий чарм ишлаб чиқарадиган заводлар бор. Жумҳуриятимиз бўйича, филиаллари билан бирга қўшиб ҳисоблаганда, уттиздан ортиқ пойабзал корхонаси фаолият кўрсатаяпти. Хуллас, бизда тўла қувватга эга пойабзал ишлаб чиқариш воситалари ва корхоналар етарли. Бироқ собиқ Иттифоқ таркибидаги турдош корхоналар ўртасидаги алоқалар узилганлиги оёқ кийимларга бўлган эҳтиёжни қондиришда жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Республика Енгил саноат уюшмасининг кўн-тери ва пойабзал тармоқлари бошқармаси бошлиғи Л. Читалиннинг таъкидлашича, ўлкамизда пойабзал ишлаб чиқариш уч йўналишда йўлга қўйилган. Биринчиси — корхоналарда сифатли пойабзаллар ишлаб чиқариш ҳамда уларни республикамизда ва бошқа ҳудудларда сотиш. Бу борада Тошкентдаги 1- ва 2-, Фарғона, Самарқанд, Чирчиқ, Янгийўл, Андижон, Қўқон пойабзал корхоналари яхши курсаткичларга эришмоқда. Уларда болалар, аёллар, эркаклар оёқ кийимлари мавсумга мослаштирилиб — ёзги-қишки қилиб ишлаб чиқарилади. МДҲ давлатларига айирбошлаш учун жўнатилади. Эвазига Қозоғистон жумҳуриятидан қуйма таглик учун кимёвий моддалар, Украинадан қолиплар олинади. Шу билан бирга, Олмония, Покистон, Италия ва бошқа хорижий мамлакатлардан ҳам хомашё келтирилади.

Корхоналарнинг ишлаб чиқариш қуввати жуда юқори. Лекин четдан келтирилаётган ва жумҳуриятимизда тайёрланаётган хомашё камлиги боис улар тўла қувват билан ишлай олмаяпти.

Иккинчиси — қўшма корхоналар тузиш ва улар билан ҳамкорликда сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш. Тошкент кўн заводи Туркиянинг «Гулмир — Дери» фирмаси билан ҳамкорликда қўшма корхона тузган. Фарғона пойабзал ишлаб чиқариш фирмаси эса Олмониянинг «Саламандра» фирмаси билан ҳамкорликда иш олиб боряпти. Тошкент 1-пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси Италиянинг «Ферручио-конти» фирмаси билан қўшма корхона тузиш арафасида.

Учинчиси — республикамизда қўшимча равишда пойабзал материаллари ишлаб чиқарадиган заводлар қуришни ташкил этиш. Бу борада бирмунча ишлар қилинмоқда, «Садаф» ишлаб чиқариш бирлашмаси супинатор тасма, мих, пошна, нагал, тугмалар, оёқ кийим безаклари, ҳар хил улчамли тўқимачилик материаллари тайёрламоқда. Терига ишлов беришда асқотадиган кимёвий моддалар, буёқ, елим, тагликка ишлатиладиган резина тайёрлаш асбоб-ускуналари ва бошқа зарур маҳсулотлар Россия, Қозоғистон, Белоруссия, Молдова, Олмония, Италия мамлакатларидан олиб келинмоқда.

Ҳўш, шундай экан, буларнинг асл муддаога нима даҳли бор? Болалар жаноб Читалиннинг қуйиришларини тушунармикинлар? Менимча йўқ! Чунки уларга сифатли пойафзал керак. Ота-оналарга ҳам!

Оёқ кийимлари муаммо бўлиб турганда уларни таъмирлаш ҳам мушкул иш бўлиб қолди. Баъзан этикларнинг қулфи бузилса ташлаб юборишга тўғри келади. Қулф топилса, таъмирловчи топилмайди. Бори ҳам қиммат сўрайди. Ўртада мижозлар сарсон.

Олой бозорига кираверишда чоғроққина пойабзал таъмирлаш устахонаси бор. У ерда уруш ногирони Ҳаким Казиев 8 йилдан бери хизмат қилиб келади. Ҳар куни тумонат одам унинг меҳнатидан баҳраманд бўлади. «Устахонани ҳеч қандай ташкилот ёки корхона хомашё билан таъминламайди. Бозордан, дуконлардан буёқ, елим, совун, мих ва бошқа керакли ашёларни узим сотиб оламан, — дейди у. — Эски пойабзаллар чармидан фойдаланиб, мижозларнинг эҳтиёжини қондираман. Болалар жону-дилим. Уларнинг мана бу оёқ кийимларига қаранг! Нари борса ун-ун беш кун кийишган холос. Чунки сифатсиз тикилган. Буларни таъмирлаш ҳам қийин...

Кейинги пайтларда пойабзал ишлаб чиқариш соҳасида ҳам узбошимча «тадбиркор»лар учраб қолди. Айрим кичик корхоналар уз маҳсулотларини расмий фирмалар номидан ишлаб чиқармоқдалар. Пойабзалларнинг ташқи кўриниши ва тамғасини ўзлаштириб, ўзларига мослаштирмоқдалар. Афтидан, улар кўза кунда эмас, кунида синади деган мақолнинг моҳиятини англаб етмаган кўринадилар. Энг ачинарлиси, кўринишидан бир-биридан фарқи қолмаган пойабзаллар харидорларда ишончсизлик туғдирмоқда. Ҳолбуки, Узбекистон давлат Енгил саноат уюшмасига қарашли корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ўз тамғаси бор. Аксарият харидорлар эса бунга эътибор беришмайди. «Тадбиркорлар»нинг сифатсиз маҳсулотларини болаларига олиб беришади-да, кейин давлат пойабзал корхоналаридан нолиб юришади.

Давлат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати Узбекистон Давлат стандарт ташкилоти томонидан назорат қилиб турилади. Кичик корхоналар маҳсулотлари эса назорат қилинмайди. Уларнинг кўпчилиги хужакурсинга маҳсулот ишлаб чиқариб, харидорларни алдашаётир, жавобгарликка келганда эса, узларини четга олиб қочишмоқда.

Илгари собиқ Иттифоқ жумҳуриятларидан пойабзаллар келтирилар эди. Узимизда чиққан пойабзаллар дукон пештахталарида чанг босиб ётарди. Ҳозир эса четдан пойабзал олиш тўхтаб қолган. Олиб келинаётганлари ҳам қиммат нархда. Уларни харид қилишга ҳар кимнинг ҳам қурби етмайди. Мутасадди ташкилотлар зарур маблағни четга сарфламасдан, ўлкамиздаги корхоналарга ажратса, сифатли, бежирим маҳсулотлар қўплаб ишлаб чиқарилар эди. Натижада харидорлар ҳам нолиб юришмасди.

Ҳозир Узбекистондаги барча пойабзал корхоналарини хомашё билан таъминлашда катта ишлар қилинмоқда. Чет эл сармояларини кўпроқ ишлатиш бўйича изланишлар олиб бориляпти. Самарқанд, Қўқон пойабзал фабрикаларида кичик турқумли қолиплар жорий қилинмоқда. Узбекистон Фанлар академияси билан ҳамкорликда республикамизда мавжуд кимёвий моддалардан фойдаланиб, хомашё маҳсулотлар тайёрлашни кенг йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Изланишлар катта. Тадбирлар ўтказиляпти. Корхоналарда пойабзалларни сифатли, бежирим ишлаб чиқариш ва таъмирлаш ҳар томонлама ўрганиляпти. Бироқ уларнинг самараси кўнгилдагидек бўлмаяпти. Болалар пойабзали муаммоси муаммолигича турибди. Уни чиройли режалар, сифат масаласига бағишланган тадбирлар билан ҳал этиб бўлмайди.

Раззоқ ШОЙМАРДОН

ТАЛАБАЛАР МЕҲМОНИ

Тошкент Электроника тиббиёт техникуми Ғалабанинг 50 йиллиги нишонланаётган кунларда гавжум бўлди. Тинчликни қадрлашга ва ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган шиорлар, ҳикматлар билан безатилган техникум ҳовлисига уруш қатнашчилари, меҳмонлар, ўқитувчи ва талабалар йиғилдилар.

Ҳамширалик иши бўлими мудири А. Деҳқонов йиғилишни очди.

Волоколамск жангларида қатнашган, панфиловчилар дивизиясида хизмат қилган Николай Михайлович Буриев бундан 20 йил аввал шу техникум муаллими эди. Бугун қадрдон техникум ва талабалар меҳмони. Буриев жанг хотираларидан, кўрган-кечарганларидан сўзлаб берди.

М. ТУРОБОВА

ЎЛИМ ЖУМБОҒИ

РУС АДАБИЁТИНИНГ КЛАССИГИ НИКОЛАЙ ВАСИЛЕВИЧ ГОГОЛ ЧАЛАЎЛИК ҲОЛДА ДАФН ЭТИЛГАНМИДИ, ДЕГАН ЖУМБОҚ АТРОФИДАГИ МУНОЗАРАЛАР МИНГЛАБ ОДАМЛАРНИНГ АҚЛУ ТАСАВВУРИНИ ҲАНУЗ БЕЗОВТА ҚИЛИБ КЕЛАДИ. АДИБ ДАФНИ БИЛАН БОҒЛАНИБ КЕТГАН ҲАР ХИЛ МИШ-МИШЛАР, РИВОЯТУ ҲАНГОМАЛАР, УМУМАН, ТАБИАТДА ИНСОН ҚАЗОСИГА ДОИР СИР-СИНОАТЛАР БЕҲИСОБЛИГИНИ КЎРСАТАДИ.

XVI асрда Андрей Везалий деган табиб бир аслзода испаннинг жасадини ёриб кўришга киришганда, зодагон туйқусдан ҳушига келади. Шурлик табиб тирик одамни ёрганликда айбланиб, улим жазосига ҳукм этилади.

Бу борада черков мутаваллиси Никифор Гликаснинг омади келган экан: у икки кун тобутда ётгач, черковнинг ўзида урнидан туриб, ҳеч нарса кўрмагандай, атрофдагиларнинг донг қотиб қараб туришганидан дарғазаб бўлиб: «Нега менга бақрайиб қараб қолдиларинг?!» — дея қичқириб, ўз вазифаларини адо этишга киришиб кетган.

1824 йили Ж. Макинтайр деган кишининг жасадини қабрдан ўғирлаб чиқиб, пуллашади. Мурданинг аъзоларини булаклаб, махсус идишларга жойлашни кўзлаган табиблар жасадга тиғ теккизишганда, Макинтайрга жон киради.

Германияда товуш чиққан бир қабрни қазиб кўришганда, нафаси тиқилиб ўлган одамнинг жасадини топишади — марҳумнинг гурдаги аҳволи унинг узоқ вақт жон аччиғида қабрдан чиқиб кетишга уринганидан далолат берган.

Айрим марҳумлар узларини вақтида ҳимоя қила олишган ҳам. 1964 йили Ню-Йоркдаги уликхонада энди жасадни кесишга киришган жарроҳнинг юраги ёрилиб ўлади. Тиг тортаётган жарроҳ мурданинг даст туриб, ёқасидан бўғиб олишини кутмаган экан.

Улиб қайта тирилганлар ичида буюк шоир Петрарканинг олдига тушадигани топилмаса керак. Петрарка дафн этилишига саноқли соатлар қолганда қайта жонланиб, ўрнидан туриб кетади ва шундан сўнг яна 30 йил умр кўради.

Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бироқ табиатнинг улим билан боғлиқ жумбоқларини қандай тушунтирса бўлади?

Асримиз бошида бир гуруҳ инглиз табибларидан таркиб топган обрули комиссия узоқ текширишлардан сўнг фақат Англиянинг ўзида ҳар йили 2,5 минг одам тириклайин, яъни чалаулик ҳолда кўмилади, деган қатъий хулосага келади. Кейинчалик бу талофатнинг чорасини ўйлаб топадилар. 60-йилларда яратилган махсус асбоб ёрдамида юракнинг энг кучсиз фаолиятини ҳам илғаш имкони пайдо бўлади. Асбоб дастлаб синаб кўрилгандаёқ мурдалар ичида бир қизча жасадининг тириклигини аниқлашга эришилади...

Улимнинг белгиларидан бирини нафас олишнинг тўхташи билан боғлашади. Кўзгуни қазо қилган кишининг лабларига яқин тутиб турилганда ойна терламаса демак ўлим юз бергани аён бўлади. Бироқ бу усул ўтган асрдаёқ инкор этилганди.

Юрак фаолиятининг ва томир уришининг тўхташи ўлимнинг иккинчи белгиси ҳисобланади. Бироқ йог тизими бу омилларсиз ҳам яшаш мумкинлигини исботлайди. Деҳлида ўтказилган бир тажрибада йог устаси юрагини 12 минут тўхтатиб қуя олган. Бошқа бир йог устаси эса олимларга ўзини сув билан тўлатилган махсус идишга солиб, идиш оғзини каварлашни буюради. 6 соат мобайнида шу ҳолатда ўтирган йог идишдан тирик чиқади.

Бадан ҳароратининг тушиб кетиши ҳам ўлимни белгилайдиган мезон эмас экан. Швецияда юз берган ҳодиса бунга бир далил. Қор босиб қолган одамни топишганда унинг тана ҳарорати 17 даражани кўрсатган ва бу одам кейинчалик согайиб кетган. Вабо ва чечак каби касалликлар билан қазо қилганларнинг тана ҳарорати ўлимларидан сўнг кўтарилиб кетиши ҳам маълум. Астма қаттиқ хуруж қилганда беморнинг ҳарорати жуда пастга тушиб кетаркан.

Кўз соққасидаги ўзгаришлар ва терида пайдо бўладиган доглар ҳам ҳамиша ўлим юз берганини асослашга етарли далил бўлолмайди. Клиник ўлим деган ҳолат юз берган чоғда ҳам кишининг айрим аъзолари ишлаб туради.

Булардан кўринадики, улим тезда, қисқа вақт ичида рўй берадиган ҳодиса эмас. Улим инсон организмида жуда узоқ вақт мобайнида амалга ошадиган — инсон мавжудлигининг ўзига хос ғаройиб ҳодисасидир. Мисол учун, марҳум жасади ўзидаги электр қуввати фаоллигини 40 кунгача, яъни энг сўнгги мия импулслари қайд этилган дамгача сақлаб тураркан.

Инсонинг тирик ёки ўликлигини аниқлашда бундан минг йил бурун ҳозиргичалик кўп хатога йўл қўйилмаган. Айниқса, юқумли касалликлар кенг тарқалган пайтлар, қиргин-барот урушлар чоғи қанча-қанча одамлар чалаўлик ҳолда кўмиб юборилмаган дейсиз. Қадимда одамлар бундай гуноҳга қолишдан қаттиқ қўрқишган. Шу боисдан улар, бугун бизга ғалати туюладиган, узундан-узоқ кўмиш маросимларига амал қилишган. Мисол учун, қадимги Мисрда жасадни бир неча кун сақлаб,қоринни чап томонидаги кучли оғриқ қўзғайдиган жойни кесишиб, фақат шундан сўнгтина мумиёлашган.

Баъзи бир халқларда марҳумни дастлаб вақтинча дафн этиш одати ҳам бўлган. Ўтган асрнинг охирларида дафн этилган марҳум тепага хабар бериши учун гўрга махсус мосламалар ҳам кўмиб қўйилган. Бундай электр қурилмалар қабрдаги марҳумнинг сал нафас чиқариши ёки сезилар-сезилмас ҳаракатидан товуш чиқариб ёки чироғи ёниб ташқарига белги берган.

Чалаулик ҳолати турли сабаблар туфайли рўй бериши мумкин. Масалан, бош суяги қаттиқ жароҳатланганда киши шундай ҳолатга тушади. Тутқаноқ тутишидан сўнг баъзан беморни бир неча кун уйқудан уйғотиб бўлмайди. Заҳарланиш, ҳаддан ташқари совуққотиш, беҳад қизиб кетиш, қаттиқ беҳушлик, шизофрения (руҳий касалликнинг бир тури), кучли жазава ва бошқа шу каби вазиятларда киши улик ҳолатига тушиши мумкин.

Чалаулик ҳолати Шекспирнинг «Ромео ва Жулетта», Пушкиннинг «Улик малика ҳақида эртак» асарларида тасвирланган. Биринчи мисолда чалаулик ҳолатига заҳарланиш сабаб бўлса, иккинчисида шоир летаргик (узоқ) уйқуни тасвирлайди.

Ҳақиқий улим эса бир зумда юз бермайди. Бу жараён баъзан саноқли дақиқалар, баъзан бир неча соат, бир неча кун давом этиши мумкин. Гиппократ замонидан бизнинг давримизгача улимнинг уч дарвозаси: юрак, упкалар ва мия ҳақидаги тушунча етиб келган. Одамлар қандай сабаб билан вафот этишмасин, қачонки мана шу уч аъзодан биттаси ҳалок бўлса, улим голиб келган бўлади. Чунки мия кислородга тўйинган қон билангина тирик. Кислородни эса упкалар ва юрак «ҳайдаб» — етказиб бериб туради.

Табибларнинг кузатишига қараганда чала, клиник улим кўпроқ гиёҳвандларда юз берарркан. Дарвоқе, нашавандлар беҳуш ҳолда рангли тасвирларни кўришади. Улар «дори»ни ортиқ даражада истеъмол қилишганда руҳлари таналарни тарк этади, узга оламларга парвоз қилади, иккита ажралиб, атрофда юз берётган воқеаларни тепадан, четдан туриб кузатишади.

Материалист-олимлар фикрича, клиник улимни бошдан кечирган кишиларнинг «нариги дунё»да кўрганлари шу билан изоҳланадики, киши жон берётиб ташқи оламни идроклайди, ҳар хил ҳолат ва манзараларни миясига «муҳрлайди». Бу таассуротлар теварак-атрофни тартибсиз ва нотўғри акс эттиради, чунки улар касалланган миянинг таассуротларидир, дейишади мутахассислар.

Қисқаси, инсон улими билан боғлиқ сир-синоатларга қизиқиш кучли, буни билиш, кузатишда физиология фани ёрдам беради. Бироқ фан сифатида физиология «нариги дунё»да ҳаёт борлигини тасдиқламайди. Бироқ чин дунёни инкор ҳам этмайди.

(«Труд» газетасидан)

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ
O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI
1995 йил

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Қабулхона телефони— 33-52-91,
* * *
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ
Таҳрир ҳайъати: Мурод АБДУЛЛАЕВ (назм ва наср бўлими мудири), Дадахон ЁҚУБОВ, Одил ЁҚУБОВ, Анвар ЖАББОРОВ, Баҳодир ЖАЛОЛОВ, Ашурали ЖУРАЕВ (санъат бўлими мудири), Маҳмуд САЪДИЙ (танқид ва адабиётшунослик бўлими мудири), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Беккул ЭГАМҚУЛОВ (масъул котиб)

Навбатчи муҳаррир —Аҳмад ОТАБОЙ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 0199. Ҳажми — 2 босма табоқ. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Индекс 64593. 1 2 3 4 5 6